Biznes-Эксперт

№ 6, 2013

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ МОЛИЯ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР ИЛМИЙ АМАЛИЁТ



УШБУ СОН МАВЗУСИ:

Қишлоқ хўжалигининг ривожланиши – иқтисодиёт таянчи
32

ТЕМА НОМЕРА:

Макроэкономические механизмы государственного регулирования рынка труда
48

ПРИВАТИЗАЦИЯ ФИНАНСЫ ЦЕННЫЕ БУМАГИ НАУЧНАЯ ПРАКТИКА

3 Қимматли қоғозлар бозорининг моҳияти ва унинг вазифалари бўйича назарий асослар

15 Корхонада инқирозга қарши бошқариш стратегиясини ишлаб чиқишнинг услубий жиҳатлари

Инновации в маркетинге – основа эффективного развития бизнес-процессов предприятия 51

Качество жизни населения в Узбекистане в условиях рыночных отношений 53

ВНИМАНИЕ!

Согласно постановлению Президиума Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан №163/5 от 25 марта 2010 года, журнал «Biznes-Эксперт» с названием «Биржа-Эксперт» внесен в реестр научных изданий Высшей аттестационной комиссии для докторских диссертаций.

Мундарижа

АКЦИЯ

Б. Бобожонов. Қимматли қоғозлар бозорининг моҳияти ва унинг вазифалари бўйича назарий асослар 3

БЮДЖЕТ СИЁСАТИ

Г. Остонақулова, С. Одилова. Ўзбекистон Республикасида давлат бюджет даромадларини кўпайтиришнинг асосий йўналишлари 8

МОЛИЯ

А. Зайлиев. Кредит сиёсати ва унинг банк фаолиятидаги ўрни 12

БОШҚАРУВ

С. Абдужабборов. Корхонада инқирозга қарши бошқариш стратегиясини ишлаб чиқишнинг услубий жиҳатлари 15

БОЗОР ТАМОЙИЛЛАРИ

Д. Ризаев. Бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари – кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиялаштиришнинг муҳим манбаи 20

РЕСУРС

А. Абдуллаев. Банк ликвидлигига таъсир қилувчи омиллар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари 22

МАРКЕТИНГ

М. Алимова. Туризм хизматлар бозорида маркетинг тадқиқотларини ахборот билан таъминлашнинг самарали услуби 28

СОҲА ТАРАҚҚИЁТИ

У. Турғунов. Қишлоқ хўжалигининг ривожланиши – иқтисодиёт таянчи 32

АГРАР СОҲА

Б. Рахманқулова. Қишлоқ хўжалиги ривожланиши ва самарадорлиги ўзгариш тенденциялари 34

ТАҚҚОС ВА ТАҲЛИЛ

Э. Абдуллаев. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришда солиқларнинг салмоғи ва солиқ юки даражаси 38

ҚЎЛЛАНМА

ТАҚРИЗ 41

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

К. Хонкелдиева. Ўзбекистонда аҳоли бандлигини самарали таъминлаш ва ривожлантириш истиқболлари 42

ИМТИЁЗ

М. Абдураҳмонова. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан институционал қўллаб-қувватланиши 45

Содержание

ТЕМА ДНЯ

Г. Абдурахманова. Макроэкономические механизмы государственного регулирования рынка труда 48

РЫНОЧНАЯ ЭКОНОМИКА

Х. Рузметова, А. Жуковский. Инновации в маркетинге – основа эффективного развития бизнес-процессов предприятия 51

СОЦИУМ

К. Рахимов, М. Аскаров, Т. Рахимов. Качество жизни населения в Узбекистане в условиях рыночных отношений 53

Бизнес-Эксперт

Biznes-Эксперт

ИҚТИСОДИЙ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ОЙЛИК НАШР

ЭКОНОМИЧЕСКИЙ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ

ТАҲРИР КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ

ТАҲРИР КЕНГАШИ РАИСИ | ПРЕДСЕДАТЕЛЬ РЕДАКЦИОННОГО СОВЕТА

Қаландар АБДУРАҲМОНОВ
иқтисод фанлари доктори, профессор, РТФА академиги
доктор экономических наук, профессор, академик РАЕН

ТАҲРИР КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИ | ЧЛЕНЫ РЕДАКЦИОННОГО СОВЕТА

Абдураҳим ВАҲОБОВ
иқтисод фанлари доктори, профессор
доктор экономических наук, профессор

Дилфуза РАҲИМОВА
иқтисод фанлари доктори, профессор
доктор экономических наук, профессор

Баҳодир ХОДИЕВ
иқтисод фанлари доктори, профессор
доктор экономических наук, профессор

Алишер ВАҲОБОВ
иқтисод фанлари доктори, профессор
доктор экономических наук, профессор

Шуҳрат ЮЛДАШЕВ
иқтисод фанлари доктори, профессор
доктор экономических наук, профессор

Зайниддин ХУДОЙБЕРДИЕВ
иқтисод фанлари доктори, профессор
доктор экономических наук, профессор

Эркин ГАДОЕВ
иқтисод фанлари номзоди, доцент
кандидат экономических наук, доцент

Шарофиддин ҲАЙДАРОВ
иқтисод фанлари номзоди, доцент
кандидат экономических наук, доцент

Қимматли қоғозлар бозорининг моҳияти

ва унинг вазифалари бўйича назарий асослар



Бахтиёр БОБОЖОНОВ,
ТДИУ "Банк иши ва корпоратив молиялар" кафедраси.

Аннотация

Қимматли қоғозлар бозори. Қимматли қоғозлар бозорининг иштирокчилари. Фонд бозори. Қимматли қоғозлар бозорининг моҳияти ва унинг вазифалари. Қимматли қоғозлар. Инвесторлар ва эмитентлар. Акциялар. Облигациялар. Қимматли қоғозлар бозорининг замонавий ҳолати. Миноритар акциядорларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Маълумотларнинг ошкоралик ва ҳаққонийлик муаммоси ва уни ҳал этиш йўллари.

* * *

Рынок ценных бумаг. Участники рынка ценных бумаг. Фондовый рынок. Задачи рынка ценных бумаг. Инвесторы и эмитенты. Акции. Облигации. Современное состояние рынка ценных бумаг. Права и обязанности миноритарных акционеров. Проблемы открытости и достоверности информации и пути их решения

* * *

The securities market. The participants of the securities market. The stock market. Objectives of the securities market. Investors and issuers. Promotions. Bonds. The current state of the securities market, the rights and responsibilities of minority share holders. Problems of transparency and reliability of information and solutions.

Бозор ўзига хос жараён бўлиб, унинг турлича қонунлари, муаммолари ва қарама-қаршиликлари мавжуд. Бозор унда иштирок этмоқчи бўлганларнинг барчаси учун очиқ. Иқтисодий адабиётларда "молия бозори" ва "молиявий бозор" атамаларидан кенг фойдаланилади. "Молия бозори" ўз моҳиятига асосан тўғри атама десак, хато қилмаган бўламиз.

Ҳар бир жамиятда талаб ва таклиф учрашадиган жой бозор ҳисобланади. Агарда биз талабга асосланган пул оқимини ўзининг эхтиёжини қондирувчи товарни таклиф этадиган жой, айнан таклиф этаётган товар номи билан аталади. Масалан, "деҳқон бозори", "машина бозори", "буюм бозори" ва ҳоказо. Бироқ "буюмли бозори" ёки "деҳқонли бозори" деган атама мавжуд эмас. Шунинг асосида, "молия бозори" деган атама мантиқан тўғри.

Молия бозорининг моҳиятини очишда, унинг бошқа бозорлардан фарқини ажратиш лозим. Ҳар қандай бозор сингари молия бозорини ҳам икки қутбга бўлиш мумкин. Улардан бирида махсус товар ҳисобланадиган капитал етказиб берувчилар – вақтинча бўш пул маблағларига эга бўлган ва уларни нафақат тўлиқ сақлаш билан

бирга уларни кўпайтиришни истовчи турли мулкчилик шаклидаги хўжалик субъектлари ва жисмоний шахслар, шунингдек, давлат туради. Ушбу қутб иштирокчиларининг бош мақсади – моддий манфаатдорлик ҳисобланади. Қутбнинг иккинчи томонида эса – янги ишлаб чиқаришни бошлаш, ишлар, хизматлар кўрсатиш ёки ишлаб турган қувватларини модернизация қилиш, кенгайтириш, қайта таъмирлаш учун зарур бўлган бошланғич ёки қўшимча сармояга эҳтиёжи бўлган турли мулкчилик шаклидаги субъектлар, жисмоний шахслар, шунингдек, давлат туради. Шуни таъкидлаш лозимки, ушбу тоифа вакиллари жалб этиладиган сармоя учун маълум фоизни тўлашга мойиллик билдирадилар. Айнан икки қутб вакиллари учрашадиган жой молия бозори ҳисобланади. Молия бозори жуда мураккаб тузилишга ва юқори – паст поғоналарга эга бўлган махсус бозор бўлиб, унда жуда катта миқдордаги пул маблағлари бир вақтнинг ўзида турли йўналишларда айланиб туради ва бу жараён ҳаракатлари миллий иқтисодиётнинг микродаражадан тортиб макродаражагача бўлган ҳолатига таъсир кўрсатади.

Иқтисодиётнинг бозор муносабатларига ўтиши натижасида молия бозори сифати ортиб боради. Хусусан, вақтинча бўш пул маблағларни жалб этишда ҳамда улардан фойдаланишда молия бозорининг аҳамияти беқиёс катта бўлади.

Иқтисодий адабиётларда молия бозорининг таркибий тузилмаси бўйича ягона фикр мавжуд эмас. Бу молия бозорининг таркибий тузилмаси бўйича россиялик таниқли иқтисодчи олим, иқтисод фанлари доктори, профессор В.Н.Галановнинг фикрича, молия бозори тўртта таркибий қисмдан иборат: тижорат банкларининг капиталлари бозори; валюта бозори; қимматли қоғозлар бозори; суғурта ва инвестиция фондлари бозори (5). Ушбу фикрни маҳаллий олимлардан иқтисод фанлари номзоди, доцент И.И.Алимов қўллаб-қувватлайди (3).

Молия бозорининг биринчи қутб иштирокчиларининг бош мақсади маълум даромад топиш мақсадида ўзларидаги вақтинча бўш пул маблағларини маълум соҳага йўналтиришдир. Фикримизча, юқорида қайд этилган молия бозорининг таркибий тузилмалари моҳиятан айни шу соҳани ўзида мужассамлаштиради. Молия бозорини ушбу таркибий тузилмаларида вақтинча бўш пул маблағлари жамланади, марказлашади ва капиталга айланади ҳамда маълум даромад келтириш учун маълум соҳаларига йўналтирилади. Шуни таъкидлаш лозимки, тижорат банкларининг капиталлари бозори, валюта бозори, суғурта ва инвестиция фондлари бозорининг моҳиятини алоҳида ўрганувчи махсус фондлар мавжуд. Биз асосий эътиборимизни бошқа бозорларга нисбатан нозик хусусиятларга эга бўлган қимматли қоғозлар бозорига қаратамиз.

Қимматли қоғозлар бозорининг моҳиятини ўрганишда уни турли томонлардан, яъни институционал жиҳатдан ёки бозор иштирокчилари томонидан, эмитентлар ва инвесторлар, инвестиция институтлари ва молия дастакларини турли нуқтаи назардан бошлаш мақсадга мувофиқдир. Амалдаги қонунчиликка асосан, "қимматли қоғозлар бозори – юридик ва жисмоний шахсларнинг қимматли қоғозларини чиқариш, жойлаштириш ва уларнинг муомаласи билан боғлиқ муносабатлар тизими" ҳисобланади (1). Умуман олганда, қимматли қоғозлар бозори тушунчаси бошқа бозорлар тушунчасидан деярли фарқ этмайди. Агар товар нуқтаи назардан қаралса, қимматли қоғозлар ҳам бошқа товарларга ўхшаш товар ҳисобланади. Агарда пулни ҳам умумий эквивалент ролини ўйнайдиган ўзига хос махсус товар эканлигини ҳисобга олсак, бир вақтнинг ўзида қимматли қоғоз ҳам ўзига хос хусусиятга эга товар ҳисобланади.

Қимматли қоғозлар бозорининг товарлар, моддий неъматлар (ишлар, хизматлар) бозоридаги қуйидаги фарқлари мавжуд:

1. Қимматли қоғозлар бозорининг бошқа моддий неъматлар бозоридаги биринчи фарқи бозорнинг объекти ва ундаги савдоларининг ҳажми ҳисобланади. Моддий неъматлар бозорининг объекти аниқ бир товар ҳисобланади, масалан, буғдой, ўсимлик ёғи, гуруч ва бошқалар. Қимматли қоғозлар бозорининг объекти фақат қимматли қоғоз ҳисобланади. Қимматли қоғозлар бозоридаги савдолар ҳажми бошқа моддий қийматлар бозоридаги савдо ҳажмларидан катта. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, қимматли қоғозлар бозоридан савдо ҳажмларининг имконияти чегара билмайди.

2. Қимматли қоғозлар бозорининг бошқа моддий неъматлар бозоридан иккинчи фарқи бу бозорни ташкил этиш усули ҳисобланади. Моддий неъматлар бозори объекти инсонларнинг меҳнат фаолияти натижасида ишлаб чиқарилади. Моддий неъматни яратиш маълум вақт ҳамда у маълум жараёндан ўтади. Масалан, буғдойни экиш, унга ишлов бериш, йиғиштириш ёки олтин қазиб олиш, уни қайта ишлаш ва ҳоказо. Қимматли қоғозлар ҳар бир

мамлакатдаги қонунчиликка асосан битта чиқарилиши доирасида бир хил белгилар ва реквизитларга эга бўлган, мазкур чиқарилиш учун ягона шартлар асосида жойлаштириладиган ҳамда муомалада бўладиган қимматли қоғозлар ҳисобланади.

3. Қимматли қоғозлар бозорини моддий неъматлар бозоридан учинчи фарқи шундаки, бу борада муомала жараёнининг аҳамиятлилиги ҳисобланади. Моддий неъматларни ишлаб чиқаришнинг мақсади товарнинг истеъмоли ҳисобланади. Моддий неъматларнинг муомалада бўлиш жараёни чекланган, кўп ҳолатларда бу жараёнлар қанча кам бўлса, шунча яхши ҳисобланади. Қимматли қоғозлар фақатгина муомала жараёнида ҳаракат қилади. Қимматли қоғозларнинг муомала жараёнида қўлдан-қўлга ўтиш жараёнлари, масалан, акцияларнинг муомалада юриши деярли чекланмаган. Бундан ташқари, қимматли қоғозларни муомалада айланиш тезлиги унинг сифат кўрсаткичидан далолат беради. Мисол учун, акциядорлик жамиятлари кенг тараққий топган АҚШда айрим акциядорлик жамиятлари юз йилдан ортиқ фаолият юритади. Уларнинг акциялари доимо муомала жараёнидаги ҳаракатларини ҳисобга олсак, қимматли қоғозлар бозорининг ўзига хослиги яна бир бор кўзга ташланди. Лекин шуни ҳам таъкидлаш лозимки, акциядорлик жамияти қанчалик тез "синса" уни муомаладаги қимматли қоғозларга ўз ҳаракатини шунчалик тез тўхтатади.

4. Қимматли қоғозлар бозорини моддий неъматлар бозоридан тўртинчи фарқи шундан иборатки, уларнинг қиймат аҳамияти ҳисобланади. Моддий неъматлар ишлаб чиқариш бу инсоният ҳаётининг асосидир. Шу боис, моддий неъматлар бозори инсоният учун қимматли қоғозлар бозорига нисбатан бирламчи бозор ҳисобланади.

Иқтисодий адабиётларда "қимматли қоғозлар бозори" ва "фонд бозори" деган атамалар синоним сифатида талқин этилади (4). Айрим иқтисодчи олимлар эса, ушбу атамалар ўртасидаги фарқ тўғрисида мулоҳаза билдирадилар (3). Биз ушбу атамалар бўйича ўз фикр-мулоҳазаларимизни билдирамиз. Қимматли қоғозлар бозорининг таркиби 1-расмда келтирилган.

Қимматли қоғозлар бозорининг иштирокчилари, савдо жойи ва ундаги нарх-навонинг шаклланишини асосан икки гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Фонд бозори. Ушбу бозор қимматли қоғозлар бозорининг асосини ташкил этади. Фонд бозорида қимматли қоғозлар савдосининг ташкилотчилари фаолияти ҳисобланади. Мамлакатимизда амалдаги қонунчиликка асосан, қимматли қоғозлар савдосининг ташкилотчилари қуйидагилардир:

– фонд биржаси, шунингдек, қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ фонд бўлимларини ташкил этган бошқа биржалар;

1-расм. Қимматли қоғозлар бозорининг таркибий тузилмаси



– қимматли қоғозларнинг биржадан ташқари савдоси ташкилотчиси;

– қимматли қоғозларнинг мулкдори ёки қимматли қоғозларга бўлган мулкий ҳуқуқ эгаси.

Фонд бозорида қимматли қоғозларнинг эмитентлари ва сармоядорлар бевосита иштирок этмайдилар. Бу бозорда савдо, албатта, молиявий воситачи (дилер ёки брокер) орқали амалга оширилади. Фонд бозорида асосан, акциялар, облигациялар ва давлат қимматли қоғозлари савдоси олиб борилади. Бундан ташқари, фонд бозорида ҳар бир қимматли қоғозга бўлган талаб ва таклиф асосида шаклланган нархда савдо қилинади. Фонд бозорининг асосини фонд биржалари ташкил этади. Фонд биржаси, шунингдек, қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, фонд бўлимларини ташкил этган бошқа биржалар ва қимматли қоғозларнинг биржадан ташқари савдоси ташкилотчиси фаолиятни тегишли лицензия асосида амалга оширади.

Фонд биржасининг, шунингдек, қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, фонд бўлимларини ташкил этган бошқа биржаларнинг аъзоларини қимматли қоғозлар савдосида иштирок этишга қўйиш уларда инвестиция воситачиси ёки инвестиция активларини ишончли бошқарувчи сифатида қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни амалга ошириш учун лицензия мавжуд бўлган тақдирдагина амалга оширилади.

Қимматли қоғозлар бозорининг кейинги таркибий қисми бўлиб, бошқа қарз мажбуриятли қимматли қоғозлар бозори ҳисобланади. Фонд бозоридан фарқли равишда ушбу бозорда эмитент ва бўлажак сармоядор ҳеч қандай молиявий воситачи ёрдамисиз бевосита олди-сотдини амалга оширадилар. Биз юқорида таъкидлаб ўтган қимматли қоғозлар савдосининг ташкилотчиларидан бири қимматли қоғозларнинг мулкдори ёки қимматли қоғозларга бўлган мулкий ҳуқуқ эгаси ҳисобланади. Ушбу ташкилотчи қимматли қоғозлар билан савдони амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташкил этади. Ушбу бозорни асосан турли мулкчиликка асосланган тижорат банклари ташкил этадилар ва ушбу бозорда уларнинг депозит сертификатлари, депозит – омонат сертификатлари ҳамда векселлар савдоси амалга оширилади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, фонд бозоридан фарқли равишда бошқа қарз мажбуриятли қимматли қоғозларга бўлган талаб ва таклиф асосидаги нархда эмас, балки, улар бўйича олдиндан белгиланган нархлар ҳамда шартлар асосида сотилади. Бундан ташқари, бошқа қарз мажбуриятлари қимматли қоғозлар бозорида асосан ноэмиссиявий қимматли қоғозлар савдоси олиб борилади. Ҳозирги вақтда мамлакатимизда "Тошкент" Республика фонд биржасида асосан акциялар ва корпоратив облигациялар савдоси, Ўзбекистон Республикаси валюта биржасининг фонд бўлимида эса давлат қимматли қоғозлари билан савдолар олиб борилади. Ўзбекистонда 1998 йил 1 июнда амалга киритилган "Элсис-Савдо" биржадан ташқари электрон савдо тизими қимматли қоғозларни харид қилиш ва сотиш учун тушган буюртмаларни жамлаш ҳамда бажариш тамойилига асосланиб фаолият юритади. Савдоларда у ёки бу эмитентнинг акцияларига қимматли қоғозлар билан тузиладиган энг катта ҳажмдаги битимларни таъминловчи ягона нарх белгиланади. Бундан шу нарса келиб чиқадики, акцияларнинг харид ва сотиш нархлари битта савдо битими давомида барча харидорлар учун тенг бўлади. Биржадан ташқари савдоларнинг электрон тизими Ўзбекистоннинг ҳар қандай фуқаросига фонд бозорида мустақил ишлаш имкониятини беради.

Қимматли қоғозларнинг энг муҳим томонларидан бири шундан иборатки, у юқори даромад келтирадиган иқтисодиётнинг фаоллиги билан шаклланиб боради ва қимматли қоғозлар бозори сармояларнинг жалб этилишини рағбатлантириб, вақтинча бўш турган пул маблағларини иқтисодиётнинг турли тармоқлари ўртасида қайта тақсимланишини, тақсимланганда ҳам ривожланиб бораётган истиқболли тармоқлар фойдасига қайта тақсимланишини таъминлайди. Ривожланган қимматли қоғозлар бозори ишлаб чиқариш тараққиётини рағбатлантирадиган кучли манба бўлиб ҳисобланади.

Қимматли қоғозлар бозорида инвесторлар ва эмитентлар ўртасидаги вақтинча бўш пул маблағларининг ҳаракати, уларнинг ҳажмлари жуда кўп омилларга боғлиқ. Бизнинг фикримизча, уларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат:

1. Қимматли қоғозлар бозорининг даромадлилик даражаси;

2. Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини солиққа тортилиш даражаси;

3. Қимматли қоғозлар бозорида капитал ва у келтирадиган фойдани йўқотилиш қалтислигининг даражаси;

4. Қимматли қоғозлар бозорида инвесторларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш даражаси;

5. Қимматли қоғозлар бозорини ташкил этилиши ва унинг замонавий савдо тизимлари билан таъминланилиши даражаси;

6. Қимматли қоғозлар бозорида ҳаққоний, тўлиқ ва ошкора маълумотларнинг мавжудлилик даражаси ва бошқалар.

Биз юқорида таъкидлаб ўтган омиллар мамлакатда миллий қимматли қоғозлар бозорини ривожланишига ва аксинча, унинг инқирозга учрашига олиб келиши мумкин. Масалан, 1998 йилда Россияда қимматли қоғозлар бозорининг инқирозига бозорнинг асосланмаган юқори даромадлилиги сабаб бўлди.

Мамлакатимизда миллий қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш мақсадида бир қатор қонунлар қабул қилинган. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 30 августида қабул қилинган "Қимматли қоғозлар бозорида инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунда инвесторларнинг ҳуқуқларини таъминлаш билан боғлиқ муносабатлар тартибга солинади. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 156-моддасига мувофиқ юридик шахсдан олиниб, унинг устав фондига (устав капиталига) йўналтирилган дивидендлар тарзидаги даромадларга солиқ солинмайди. Чет эллик инвесторларга чет эл валютасидаги пул маблағларига Ўзбекистон Республикасига ва ундан ташқарига, улар солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловларни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўлаш шарти билан бирор-бир чеклашсиз эркин ўтказиш кафолатланади.

Мамлакатимизда бозор механизми самарали фаолият юритиш учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш мақсадида қимматли қоғозлар бозорини ташкил этиш ҳамда тартибга солиш бўйича керакли барча қонуний-меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган. Республикамизда босиб ўтилган йиллар давомида бозор иқтисодиёти соҳасидаги ўзгаришларнинг ишончли қонунчилик базасини шакллантириш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Аммо Президентимиз таъкидлаганидек, "Шу муносабат билан "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунни танқидий қайта кўриб, янги таҳрирда ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ҳамда унда корпоратив бошқарув ва назорат органларининг ваколатлари, ҳуқуқлари ва жавобгарлигини янада аниқ белгилаш лозим. Ушбу қонундаги акциядорлик жамиятларининг Кузатув кенгашлари, Умумий йиғилишлари, Тафтиш комиссияларининг роли ва аҳамиятини ошириш, миноритар, яъни қўлида акцияси кам бўлган акциядорларнинг кафолатларини кўпроқ таъминлаш, барча акциядорларни ва бўлажак инвесторларнинг акциядорлик компаниялари фаолияти тўғрисида ахборот олиш имкониятларини кенгайтиришни кўзда тутиш айни муддао бўлар эди" (2). Ушбу омил эса бизга ҳозирда мамлакатимизда қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонунларда айрим камчиликлар мавжудлигидан далолат беради. Бизнинг фикримизча, амалдаги қонунчиликка энг аввало, миноритар акциядор тушунчасини киритиш ҳамда уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида аниқ назарда тутувчи моддаларни ишлаб чиқиш лозим. Чунки, мамлакатимиздаги аҳолининг аксарият қисми акциядорлар ҳисобланади. Лекин, аҳоли ихтиёридаги акциялар эса акциядорлик жамиятлари устав капиталини жуда кам улушини ташкил этади. Айнан ушбу ҳолат ҳозирда бўлажак сармоядорларни қимматли қоғозларга инвестициялар киритишига ўзига хос тўсиқ бўлиб ҳисобланади. Ушбу муаммони ижобий ҳал этилиши республикамиз аҳолисини қимматли қоғозларга бўлган қизиқишини кучайтиришга ижобий таъсир кўрсатади, деб ҳисоблаймиз.

Миллий қимматли қоғозлар бозори фаолиятини такомиллаштириш мақсадида мамлакатимизнинг реал секторида ишловчи акциядорлик жамиятлари тўғрисидаги тўлиқ маълумотларни кенгроқ тарқатишни таъминлаш ва реклама фаолиятини кучайтириш ҳамда дивиденд сиёсатини қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг "Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида"ги Қонуни.

2. И.А.Каримов. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. –Т.: "Ўзбекистон" 2011.

3. И.И.Алимов ва бошқалар. Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан операциялари. –Т.: "ТДИУ" 2011.

4. Бутиков И.Л. Рынок ценных бумаг Узбекистана: проблемы формирования и развития. Монография.-Т.: «Консаудитинформ – Нашр». 2008.

5. Рынок ценных бумаг. Учебник под ред. д.э.н., проф. Галанова В.А. –М.: «Финансы и статистика» 2004, 198 ст.

Ўзбекистон Республикасида давлат бюджет даромадларини кўпайтиришнинг асосий йўналишлари

Г.М.ОСТОНАҚУЛОВА,
ТДИУ "Ташқи иқтисодий фаолият" кафедраси доценти, и.ф.н.,
С.С.ОДИЛОВА,
талаба.

Корхоналар инвестицион фаолиятини солиқлар орқали рағбатлантириш давлат бюджети даромадларини кўпайтиришнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Ушбу рағбатлантиришнинг мутлақ зарурлиги кўпчилик томонидан тан олинсада, унинг самарали амал қилинишини таъминлаш ёки мазкур жараённинг аниқ механизми ҳақида ягона фикр ва ёндошувлар мавжуд эмас. Аниқроғи, корхоналар молия-хўжалик фаолиятига солиқларнинг таъсири хусусидаги баҳс-мунозаралар ўта қизғин тус олган.

Аннотация

Мазкур мақолада солиқлар орқали давлат корхоналар фаоллигини керакли тарзда бошқариб туриш имкониятига эгалиги ва бозор иқтисодиёти шароитида солиқларнинг тартибга солувчилик роли кучайиб бораверишн, солиқлар воситасида корхоналар инвестицион фаоллиги ва самарадорлиги солиқ ставкалари ёки ундириладиган солиқлар сонига бутунлай боғлиқ бўлмасдан, балки аниқ ижтимоий-иқтисодий вазият, мақсад ва вазифаларини амалга ошириш учун давлатнинг иқтисодиётни тартибга солиш сиёсатига кўпроқ боғлиқлиги ҳақида тўхталиб ўтилган.

* * *

В этой статье отмечено, что способность правильного управления государством деятельностью компаний с помощью налогов и усиление их роли в приведении в порядок в условиях рыночной экономики, проведение инвестиционной деятельности компаний с помощью налогов связанно только со ставками или назначаемым обьемом налогов. Более важным фактором является политика порядка экономики государства для осуществления целей и задач и определение социально-экономического положения.

* * *

In this article registered what, ability right direction of state companies activity with the help of taxes and reinforcement of their role at bringing in order to conditions market economy construction of investment activity of company with the help of taxes tie together not only rate or amount taxes. More important factors register politics on the order of economy state of last realization target and task and definition economic-social regulations.

Солиқларнинг ушбу мақсаддаги роли, яъни солиқлар таъсир механизмининг моҳияти бўйича шуни таъкидлаш лозимки, солиқлар воситасида корхоналар инвестицион фаолиятини жонлантириб юбориш ёки улар воситасида хўжалик юритиш ташаббусларини бўғиб ҳам қўйиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида хўжалик субъектларининг фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, асосий эътибор корхоналарнинг ўз маблағлари ва ўзини ўзи молиялаштириш манбаларини умумий ҳажмини оширишга қаратилмоқда. Бунинг сабаби шундаки, миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг дастлабки босқичларида асосий эътибор давлат бюджети маблағлари ва ҳукуматнинг кафолатлари асосида жалб қилинган хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳи-

собидан инвестицион жараёнларни молиялаштиришга қаратилди. Эндиги навбат инвестицияларни молиялаштиришда хўжалик субъектларининг мавқеини оширишга келди. Бунда асосий эътибор корхоналарнинг ўз маблағлари ва тижорат банклари кредитларининг инвестицион жараёнларни молиялаштириш манбаларининг умумий ҳажмидаги салмоғини оширишга қаратилади.

Инвестицион харажатларни молиялаштиришда хўжалик субъектларининг ўз маблағлари салмоғини ошириш мамлакатда инвестицион фаолликни юксалтиришнинг ва шу асосда давлат бюджетига солиқ тушумларини кўпайтиришнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу эса, ўз навбатида, корхоналарнинг ўз маблағларини шакллантириш жараёнига солиқларнинг таъсирини ўрганиш ва бу таъсирнинг салбий оқибатларига барҳам бериш усулларини ишлаб чиқишни тақозо қилади. Хўжалик юритувчи субъектлар товарлар ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнларининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда фойда солиғи, қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, мол-мулк солиғи каби асосий солиқ турларини тўлашга мажбурлиги улар ихтиёридаги фойда ёки молиявий натижалар суммасининг босқичма-босқич камайишига олиб келади.

Шундай қилиб, хўжалик юритувчи субъектлардан ундириладиган барча солиқлар уларнинг соф фойдаси миқдорининг камайишига олиб келади. Бу эса, хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестицион харажатларни молиялаштириш имкониятини пасайтиради, чунки корхона инвестицион харажатларни молиялаштириш манбаларининг таркибида асосий ўринни соф фойда эгаллайди. Корхоналар фойдасидан олинадиган солиқ бўйича солиққа тортиш базаси нафақат ишлаб чиқариш хўжалик харажатлари суммасига, балки олдиндан тўланган солиқлар суммасига ҳам камаяди. Бунда гап товарларнинг таннархи таркибида ҳисобга олинувчи ягона ижтимоий солиқ, мол-мулк солиғи, йўл фондига ажратмалар ва солиқлар тўғрисида бормоқда. Солиққа тортишнинг бундай тартиби шунга олиб келадики, олдиндан тўланган солиқлардан бири бўйича солиқ ставкасининг оширилиши фойда солиғи базасининг камайишига ва бунинг оқибатида корхонанинг соф фойдаси миқдорининг камайишига олиб келади.

Акциз солиғи, қўшилган қиймат солиғи, ягона ижтимоий солиқ, корхоналар фойдасидан олинадиган солиқ, йўл фондига ажратмалар корхоналарнинг иқтисодий фаолиятига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади ва уларнинг молиявий натижаларига, товарлар ишлаб чиқариш ва сотиш даражасига бевосита боғлиқ бўлади. Аммо уларнинг таъсири турлича шаклларда намоён бўлади.

Мамлакатимизда хўжалик субъектларининг инвестицион фаоллигини оширишда солиқлар таъсирини кучайтириш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир:

1. Маҳсулот таннархига киритиладиган харажат турларининг даражасини мўътадиллаштириш мақсадида банк кредитлари бўйича фоиз тўловларини Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархига киритишни жорий қилиш лозим.

2. Хўжалик субъектларининг инвестицион фаоллигини ошириш мақсадида уларнинг солиқ тўловлари ҳажмида асосий ўринни эгаллайдиган солиқларнинг ставкаларини оқилона даражага келтириш лозим.

3. Қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи ставкаларини табақалаштириш даражасини ошириш лозим.

4. Хўжалик субъектларининг инвестицион харажатларини молиялаштиришнинг асосий манбаларидан бири бўлган амортизация ажратмаларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш лозим.

Бу вазифаларни ҳал қилиш учун, биринчидан, акциз солиғининг тамаки, спирт маҳсулотлари ва шоҳона буюмларга нисбатан белгиланган ставкаларини ошириш, биринчи эҳтиёж молларига нисбатан белгиланган ставкаларни эса пасайтириш лозим. Бунинг натижасида акциз солиғининг фискаллик функциясининг бажарилиши таъминланади, корхоналарнинг маҳсулотларни сотишдан олинадиган тушумлари суммасига нисбатан акциз солиғининг юзага келадиган салбий таъсири камаяди. Иккинчидан, тўғри солиқларнинг ставкаларини қайта кўриб чиқиш лозим. Эмпирик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, корхоналарнинг солиқлар орқали олиб қўйиладиган даромадларининг ўртача даражаси 40 фоиздан ошмаслиги керак. Учинчидан, қўшилган қиймат солиғи ставкаларини белгилашда ушбу солиқнинг баҳо механизми орқали корхонанинг соф фойдасига таъсирини ҳисобга олиш лозим. Бундан ташқари, корхоналарнинг қўшилган қиймат солиғига тортилмайдиган оборотлари суммасини

белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқдир. Тўртинчидан, мол-мулк солиғининг ставкаларини белгилашда асосий ишлаб чиқариш фондларини ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этиш даражасини ҳисобга олиш лозим. Бешинчидан, бож солиқларининг ставкаларини белгилашда корхоналарнинг экспорт имкониятларини ва импорт ўрнини босувчи товарлар ишлаб чиқарилаётганлигини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир.

Инвестицияларни молиялаштиришнинг асосий манбаларидан бири амортизация ажратмаси бўлиб, бунда айниқса, жадаллаштирилган амортизация муҳим манба ҳисобланади. Жадаллаштирилган амортизация ажратмаларини ишлаб чиқариш харажатлари таркибига киритиш нормалари асосий капитални ҳақиқатда эскиришига нисбатан сезиларли даражада юқори бўлади. Шундай қилиб, жадаллаштирилган амортизация иқтисодиётни таркибий жиҳатдан қайта қуришга, инвестицияларнинг ўсишига, асосий капиталнинг янгиланишига ва пировард натижада ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишига имконият яратади.

Жадаллаштирилган амортизация ҳисобидан корхона қўшимча инвестицион ресурсларга эга бўлади. Ривожланган мамлакатларда амортизация фонди асосий капитални янгилаш, унинг айланмасини тезлаштиришнинг муҳим омилига айланади ва фойданинг бир қисмини солиқдан озод қилиш имконини беради.

Кўпчилик мамлакатларда жадаллаштирилган амортизация асосан, ишлаб чиқариш фондларининг актив қисмига нисбатан қўлланилади. Бунда жадаллаштирилган амортизацияни ҳисоблашнинг чизиқли усулидан фойдаланилади, яъни амортизация ажратмаларининг тасдиқланган йиллик нормаси жадаллаштириш нормасига кўпайтирилади. Корхоналарга машина ва ускуналарни янгилашда уларнинг манфаатдорлигини ошириш мақсадида мазкур корхоналар фаолиятининг дастлабки пайтларида асосий фондларнинг бошланғич қийматини маълум қисмини жадаллаштирилган амортизация ҳисобидан қоплашга рухсат берилади.

Инвестицион фаолиятни рағбатлантиришга йўналтирилган солиқ амалиётини такомиллаштириш мақсадида корхоналарнинг амортизация сиёсатини такомиллаштиришнинг қуйидаги йўналишлари қўлланилиши мумкин:

а) индивидуал амортизация ўрнига асосий воситаларни бир неча гуруҳларга ажратган ҳолда




йириклаштирилган тарздаги амортизация ажратмаларини амалга ошириш мумкин;

б) жадаллаштирилган амортизацияни ҳисоблашнинг кенг тарқалган усулларидан бири камайиб борувчи қолдиқ усулидан кенг кўламда фойдаланиш таклиф қилинади.


Ушбу усулдан фойдаланиш корхоналарга асосий фондлардан фойдаланишнинг биринчи йилида амортизация ажратмаларини оширилган суммасини, фаолият туридан қатъи назар, ишлаб чиқариш харажатларига киритиш имконини беради. Шундай қилиб, барча корхоналар учун тенг бўлган шарт-шароит яратилади ва бир қатор иқтисодчи олимлар, шу жумладан, В.Князев, Д.Черник ва бошқа олимлар томонидан амортизация ажратмалари ҳисоблашнинг камайиб борувчи қолдиқ усулининг модификациялашган шаклидан фойдаланиш таклиф қилинади.

Лекин бизнинг фикримизча, “камайиб борувчи қолдиқ” усули фақат янги сотиб олинган асосий воситалар учун самарали ҳисобланади, чунки ҳозирги замондаги товар ишлаб чиқарувчилар учун асосий муаммолардан бири асосий фондларни маънавий ва жисмоний эскириши оқибатида рақобатбардош товарларни ишлаб чиқариш имконини бермай қолиши ҳисобланади. Шу жиҳатдан олганда амортизация ажратмаларини ҳисоблашда машина ва ускуналарга нисбатан ойлик амортизация нормасини жорий қилиш мақсадга мувофиқдир.

1-расм. Солиқ юкининг пасайиши, ЯИМга нисбатан фоизда



2-расм. 2005-2012 йилларда давлат бюджети тақчиллиги (профицит) (ЯИМга нисбатан, фоизда)



Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси асосида тайёрланди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда олиб борилган оқилона бюджет сиёсати давлат бюджетини шакллантиришда катта ютуқларга эришилишига сабаб бўлди. Солиқ юкининг камайиб бориши корхоналар фаолиятини сезиларли даражада жадаллаштирди. Бу эса, ўз навбатида, бюджет тушумларининг кўпайишига замин яратди.

Юқоридаги диаграммадан кўриниб турибдики, 2011 йилда ЯИМга нисбатан солиқ юкининг пасайиши 22 фоиз, 2012 йил эса 21,3 фоизни ташкил қилган. Давлат бюджетининг тақчиллиги эса, 2011 ва 2012 йиллар 0,4 профицит билан чиқди.

Юқорида келтирилган фикрлардан шуни хулоса қилиш мумкинки, солиқлар орқали давлат корхоналар фаоллигини керакли тарзда бошқариб туриш имконига эга. Шундай экан, бозор иқтисодиёти шароитида солиқларнинг тартибга солувчилик роли кучайиб бораверади. Солиқлар воситасида корхоналар инвестицион фаоллиги ва самарадорлиги солиқ ставкалари ёки ундириладиган солиқлар сонига бутунлай боғлиқ бўлмасдан, балки аниқ ижтимоий-иқтисодий вазият мақсад ва вазифаларини амалга ошириш учун давлатнинг иқтисодиётни тартибга солиш сиёсати таъсирига кўпроқ боғлиқ бўлади.

Кредит сиёсати
ва унинг банк фаолиятидаги ўрни

Акмал ЗАЙЛИЕВ,
НамМПИ.



Аннотация

Мустақиллигимизнинг ўтган даври мобайнида тижорат банклар фаолиятини ривожлантиришга қаратилган ислоҳотлар бугунги кунда ўз натижасини бермоқда. Мақолада мамлакатимиз тижорат банкларининг кредит сиёсатини ташкил этиш механизмлари ва тижорат банкларининг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни ва аҳамияти ёритилган.

* * *

Реформы, направленные на развитие деятельности коммерческих банков в прошедшем периоде нашей независимости, на сегодняшний день показывают свои результаты. В статье раскрыты вопросы создания кредитной политики коммерческих банков и её роль и значение в деятельности коммерческих банков, в том числе в экономике страны.

* * *

Reforms aimed to the development of commercial banking in the last period of our independence in presently show the results. In the article was disclosed a creating a credit policy of commercial banks and their role and importance in the activities of commercial banks, including the country's economy.

Маълумки, жаҳон иқтисодиётида юз бераётган глобал муаммоларга қарамасдан Ўзбекистон ўз иқтисодиёти барқарор ривожланишда давом этмоқда. Бу жараёнларда мамлакатимиз банк тизимини барқарорлигини ошириш борасидаги кўрилган чора-тадбирлар самарасини алоҳида эътироф этиш лозим.

Юртбошимиз таъкидлаганларидек, "...Мамлакатимиз молия-банк тизими барқарор ва ишончли фаолият юритиб, юқори кўрсаткичларни намоён этиб келмоқда. 2012 йилда банк тизимининг жами капитали 24,3 фоизга, сўнгги уч йилда эса икки баробар кўпайди. 2012 йилда иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитлар ҳамжи эса 2011 йилга нисбатан 1,3 баробар ортди. Ажратилган кредитларнинг 76 фоиздан зиёди уч йилдан ортиқ муддатга берилган узоқ муддатли кредитлар экани, айниқса, эътиборга молик"[1].

Бугунги кунда банк тизимини ривожлантиришнинг асосий шартларидан бири бу – банклар фаолияти кўламини кенгайтириш, уларнинг хизматлари ҳажмини оширишдан иборатдир. Банкларнинг самарали фаолият юритишда кредит сиёсати муҳим аҳамият касб этади.

Банклар кредит сиёсатининг тўғри шакллантирилиши ва олиб борилиши пул муомаласига бевосита таъсир кўрсатади. Банкларнинг бу борадаги стратегияси кредит ресурсларини шакллантириш учун депозит сиёсатини амалга оширишда, бошқа томондан эса, банк томонидан йиғилган ресурсларнинг иқтисодиётнинг турли тармоқларига жойлаштирилишида намоён бўлади. Банклар кредит сиёсатини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларнинг вақтинча бўш турган маблағларини жалб қиладилар, бу эса, ўз навбатида, пул эмиссиясини қисқартиришга асос бўлади ва муомаладаги пул массасини камайтирилишига олиб келади. Йиғилган маблағлар одатда иқтисодиёт реал секторига йўналтирилади ва бу иқтисодий ўсишни жадаллаштиришга хизмат қилади.

Тижорат банклари ўз кредит сиёсатини шакллантириши банк кредитлашининг муҳим омили ҳисобланади. Бу кредитларни бошқаришнинг асоси демакдир. Тижорат банклари кредит сиёсатининг мазмуни қуйидагилардан иборат:

– банк кредит портфелини аниқлаш ва шакллантириш;

– банк бошқаруви раисининг кредит бўйича жавобгар ўринбосари, кредит қўмитаси раиси ва кредит инспекторига юклатиладиган ваколатлар рўйхати;

– банк кредит хизмати ҳуқуқларини ўтказиш ва ахборот тақдим этиш бўйича жами мажбуриятлар;

– кредит аризалари бўйича текшириш, баҳолаш ва қарор чиқариш тизими;

– кредит аризаларига илова қилинадиган зарурий ҳужжатлар ва кредит ишида сақланиши керак бўлган ҳужжатлар рўйхати (қарздорлик молиявий ҳисоботи, кредит шартномаси, гаров ёки кафиллик шартномаси ва бошқалар);

– кредит йиғма жилдлари сақланиши ва текширилиши учун ким жавобгарлиги ва ким, қандай ҳолатларда уни олиш ҳуқуқига эгалиги тўғрисида батафсил маълумот;

– кредит билан таъминлашни қабул қилиш, баҳолаш ва амалга оширишнинг асосий қоидалари;



–барча кредитлар сифатини белгилайдиган меъёрлар баёни;

– энг юқори кредит имтиёзларини белгилаш ва кўрсатиш (кредит суммалари ва банк ялпи активларнинг энг юқори нисбати);

– банк хизмати кўрсатадиган минтақа, кредит қўйилмаларининг асосий қисми жорий этиладиган тармоқ, иқтисодиёт соҳаси ёки тармоғи;

– муаммоли кредитлар ташхиси ва таҳлили, бунда муаммоларни қандай ҳал этилиши эҳтимоли кўрсатилади.

Кредит сиёсати малакали тузилиб, банк бошқарувчисидан тортиб банк операторигача бўлган барча даражада оқилона амалга оширилса, ортиқча хатарларнинг олди олинади. Шу билан бирга кредит сиёсати сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий шароитларни ҳисобга олган ҳолда тузилиши мақсадга мувофиқдир.

Тижорат банклари кредит сиёсати банк ва кредит менежментини самарали олиб боришнинг асоси бўлиб хизмат қилади. Бу сиёсат банк ходимларининг кредит бериш, банкнинг кредит портфелини бошқариш билан боғлиқ объектив стандартларни ва мезонларни аниқлаб беради.

Кредит сиёсатининг моҳияти шундаки, банк катта-кичиклигидан, унда кам ёки кўп ходим ишлашидан қатъи назар бу сиёсат банкда бўлиши керак. Чунки бу сиёсат кредит бўйича умумий қоида ва тамойилларни бажарилишини, операциялар бажарилишининг кетма-кетлигини таъминлайди. Кредит сиёсатини самарали олиб боришда банк ходимлари ўз мижозларининг маблағларини кимларга фойдаланишга бериш кераклигини аниқ ва яққол билишлари лозим.

Банк қандай кредитлар, қанча миқдорда, қандай шаклда, кимга, қандай шартлар билан бериш кераклигини ҳал қилиши зарур. Чунки банкнинг ҳар қандай фаолияти хатар билан боғлиқ бўлади. Шунинг учун кредит сиёсати банк фаолиятида юзага келиши мумкин бўлган хатарли ҳолатларнинг олдини олишга, бунинг учун эса депозитлар ва кредитлар ўртасидаги нисбатнинг, банк капитали ва мажбурияти ўртасидаги бошқа кўрсаткичларнинг меъёрида бўлишини тақозо қилади.

Шу ўринда айтиш жоизки, тижорат банклари томонидан олиб борилаётган оқилона кредит сиёсати бериладиган кредитларни сифатини оширади. Шунинг учун кредит сиёсатининг асосий мақсади – бошқарув жараёни, фондларнинг етарлилигини, рискларни сифат бўйича туркумларини, кредит портфели баланси, мажбуриятларнинг таркибий қисмларини ажратиш каби элементларни ўз ичига олади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар доирасида иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, миллий иқтисодиётни ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилашни жадаллаштиришга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида тижорат банклари кредитлаш кўлами кенгайишида муҳим омил бўлмоқда. Мисол учун, 2013 йилнинг 1-чорагида иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитларнинг умумий ҳамжи ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 31 фоизга кўпайиб, уларнинг ҳажми 21 трлн. сўмга етди.

Ҳукуматимизнинг инвестициялар ва инвестиция сиёсатига доир чора-тадбирлари ҳам тижорат банклари кредит сиёсатининг кредитлар диверсификациялашувига қаратилишига ижобий таъсир этмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ, 2012 йил 1-чорагида тижорат банкларининг инвестиция мақсадларига ажратилган инвестицион кредитлари миқдори ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,3 баробар ошиб, 1,7 трлн. сўмга етди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш ва тадбиркорликка янада кенг эркинликлар бериш борасида қабул қилинган фармон ва қарорлари ижросини таъминлаш борасида тижорат банклари кредит сиёсати кичик бизнес ва тадбиркорликни кредитлаш жараёнларига алоҳида эътибор берилган ҳолда амалга оширилиб, кредитлаш ҳажми йил сайин ошиб бормоқда. Хусусан, 2013 йилнинг 1-чорагида кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,4 марта ошиб, 2013 йил 1 апрель ҳолатига 1,6 трлн. сўмни ташкил қилган. Жумладан, бу даврда микрокредитлар ҳажми 338 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,4 баробар ўсди.

Мамлакатимизда банк тизимини янада ислоҳ қилиш, барқарорлигини таъминлаш, уларнинг инвестицион фаолиятини кучайтириш борасида Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан белгиланган вазифалар доирасида банкларнинг капиталлашуви даражасини янада оширилиши ҳам иқтисодиётдаги узоқ муддатли кредит қўйилмалари улушини кенгайишига молиявий имконият яратмоқда. Натижада, тижорат банклари кредит сиёсатида ҳам иқтисодиётнинг реал секторини кредитлаш салмоғи йилдан-йилга ошиб бораётир.

[1] И.А.Каримов. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. Т.: “Халқ сўзи” газетаси, 19 январь 2013 йил, 13 (5687)-сони.

Корхонада инқирозга қарши бошқариш стратегиясини
ишлаб чиқишнинг услубий жиҳатлари



С. АБДУЖАББОРОВ,
А.Навоий номидаги
СамДУ тадқиқотчиси.

Аннотация

Корхонада инқироз босқичларини таҳлил қилиш ва инқирозга қарши бошқарув стратегияси мажмуасини ишлаб чиқишнинг услубий асослари таклиф этилган.

* * *

Предложены методологические аспекты диагностики стадий кризиса и разработки комплекса стратегий антикризисного управления на предприятии.

* * *

Methodological aspects of analysis of crisis levels and designs of complex of strategies for anti-crisis management of an entity are proposed.

Дунёдаги кўплаб мамлакатларнинг 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан кейинги ривожланишида ишлаб чиқаришнинг пасайиши, молиявий танглик, ишсизлик, ижтимоий низолар келиб чиққанлиги кузатилмоқда.

Инқироз оқибатларини юмшатиш мақсадида деярли барча мамлакатлар ҳукуматлари унга қарши чоралар дастурларини қабул қилишди. Ана шундай дастур Ўзбекистонда ҳам қабул қилинган бўлиб[1], унга стратегик вазифаларнинг ҳал этилишини таъминлаган ҳолда, мамлакат ривожланишининг узоқ муддатли истиқболларига путур етказувчи жараёнларга йўл қўймаслик мақсадида иқтисодий ва ижтимоий сиёсатнинг деярли барча мавжуд воситаларидан фойдаланишни сезиларли даражада фаоллаштириш имконини берадиган чоралар киритилган.

Дастурда белгиланган чора-тадбирларнинг изчил амалга оширилиши натижасида ўтган йилларда мамлакатимизда барқарор иқтисодий ўсиш суръатлари таъминланди. Мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “2012 йилда Ўзбекистон ўз иқтисодиётини барқарор суръатлар билан ривожланишни

давом эттирди, аҳоли турмуш даражасини изчил юксалтиришни таъминлади, дунё бозоридаги ўз позициясини мустаҳкамлади”[2].

Барқарор иқтисодий ривожланиш ва аҳоли турмуш фаровонлигини янада юқори даражасини таъминлаш кўп жиҳатдан республикада фаолият кўрсатаётган турли мулкчилик шаклидаги корхоналарнинг молиявий-иқтисодий аҳволи ва улар ривожланишининг жорий шароитда эга бўлган имкониятлари билан белгиланади. Маълумки, корхоналар ўз фаолиятининг бутун ҳаётий жараёни мобайнида иқтисодий пасайишлар ёки ривожланишларни бошдан кечиради. Бироқ, амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, узоқ давом этувчи пасайишлар корхонани инқирозга юз тутишига ва унинг натижасида ночор ва банкрот бўлишига олиб келиши мумкин.

Илмий манбаларда берилган таърифларни инобатга олганда, инқироз – бу ҳар қандай корхонанинг бутун ҳаёти мобайнида унинг фаолиятига хос бўлган воқеалар туфайли иқтисодий жиҳатдан салбий оқибатлар пайдо бўлишининг табиий жараёни ҳисобланади. Шу билан бир вақтда, инқироз туфайли ҳар қандай хўжалик юритувчи субъект учун, унинг доирасида корхонани ривожланишга олиб келувчи ўзгаришлар юз беради.

Бозор иқтисодиётига эга мамлакатлар амалиётида корхоналар ночорлиги ёки банкрот бўлиши одатий ҳолат ҳисобланади. Бироқ корхона банкрот бўлган ҳолларда уни тугатишнинг ижтимоий ва иқтисодий оқибатлари жамият учун оғир кечади. Иқтисодий ислоҳотлар шароитида эса банкротлик жараёни ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, унинг ижтимоий оқибатлари эса ўта салбий тавсифга эга бўлади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда корхоналар инқирози ҳолатларининг мамлакат иқтисодиётига таъсирини камайтириш мақсадида инқироз вазиятларини аниқлаш ва реал сектор корхоналарини давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чоралари амалга оширилмоқда. Маълумотларга кўра, 2011 йилда 796 та корхонада қайта таркиблаш, молиявий соғломлаштириш ва ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириш дастурлари амалга оширилган. Натижада ушбу корхоналарнинг 88,4 фоизида ишлаб чиқариш ва маҳсулот сотиш ҳажмининг ошганлиги кузатилмоқда, 7,2 фоизида ишлаб чиқаришни реконструкция қилиш ва техник қайта жиҳозлаш амалга оширилган. Мазкур корхоналар 3,6 трлн. сўм ҳажмида маҳсулот ишлаб чиқарган ва хизматлар кўрсатган, бу ўтган йил даражасига қараганда 43 фоизга юқори. Шу билан бир вақтда, уларда 527,3 млрд. сўм миқдоридаги инвестициялар ўзлаштирилган, 14 мингдан ортиқ иш ўрни барпо этилган ва тикланган. Тугатиш жараёнида турган 193 та банкрот бўлган корхонадан 42 таси очиқ кимошди савдоларида янги мулкдорларга сотилган, 43 таси тўлов қобилиятини тиклаган, 8 таси тижорат банкларининг балансига топширилган, банкрот бўлган корхоналарнинг қолганлари бўйича белгиланган тартибда банкротлик чоралари ўтказилмоқда. Кўриб турганимиздек, тугатиш жараёнида турган барча корхоналарнинг деярли ярмига нисбатан банкротлик тартиботлари қўлланилмоқда.


Корхонанинг инқирозга учраши унинг молиявий-хўжалик кўрсаткичларининг иқтисодий муҳит кўрсаткичларига мос келмаслиги туфайли юз беради. Инқироз белгилари ҳар қандай корхонада мавжуд бўлиб, уларни энг дастлабки кўринишидан ташхис қилиш энг асосий қадам ҳисобланади. Буни пайқаш сабабини билиш корхона менежменти зиммасидаги асосий функция деб қараш зарур. Илмий манбалар ва корхоналар банкротлиги мониторинги натижалари корхонада иқтисодий инқирознинг бошланиши ва уни ривожланиб бориш жараёнини учта босқичга, яъни – бошқарув, молиявий ва иқтисодий-ҳуқуқий инқирозларга бўлиш мумкинлигини кўрсатади. Бунда корхонада юз берган дастлабки бошқарув инқирози кейинчалик молиявий инқирозга айланади, сўнгра эса, молиявий инқироз аста-секин иқтисодий-ҳуқуқий инқирозга ўтиши юз беради.

Дастлабки (инқироздан олдинги) давр корхонада стратегик инқироздан бошланади, бунга стратегик бошқаришнинг аниқ ёки етарлича ривожланган тизимининг мавжуд эмаслиги олиб келади. Стратегик инқирознинг чуқурлашуви таркибий инқирознинг пайдо бўлишига сабаб бўлади. Ушбу босқичда корхона фаолиятининг кўламлари қисқаради, бозорнинг улуши пасаяди, фойда камаяди, ходимлар сони қисқаради, маҳсулотнинг сифати билан боғлиқ муаммолар юзага келади.

Инқирознинг кескин иккинчи даври ликвидлилик (таъминланганлик) инқирозидан бошланади. Ушбу даврда корхонанинг кредиторлар олдидаги қарзлари ортади, корхона ликвидлилигининг кўрсаткичлари ёмонлашади.

Агар бунда ҳеч қандай чора кўрилмаса, у ҳолда ликвидлилик инқирози корхона ҳолатининг

Корхонада инқирознинг ривожланиш даврлари ва босқичлари*



***Манба:** илмий манбалар таҳлили асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

вақтинчалик ёмонлашувидан корхонанинг тўловга ноқобиллигига ўтиши мумкин. Бу ерда тўловга ноқобиллик дебиторлик қарзлари тўлиқ қайтарилмаганлиги туфайли тўловлар муддатлари бошланганда кредиторлар билан ҳисоб-китоблар учун пул маблағларининг йўқлиги ёки етишмаслиги билан боғлиқ равишда вақтинчалик бўлиши мумкин. Шунингдек, тўловга ноқобиллик сурункали ҳам бўлиши мумкин, бунда корхона ўз активларидаги мол-мулкнинг етишмаслиги сабабли муддатли мажбуриятларни бажара олмайди.

Инқирознинг навбатдаги учинчи даври – бу сурункали ҳисобланадиган инқироз даври (кескин енгиб бўлмайдиган давр). У вақтинчалик тўловга ноқобиллик, ночорлик ва банкротликни ўз ичига олади. Сурункали инқироз даврида корхона ўта тартибсизлик ҳолатида бўлади, ишлаб чиқаришнинг одатий ҳаракати бузилади, кредиторлар кредит шартларини ўзгартиришни, етказиб берувчилар эса маҳсулотлари учун олдиндан ҳақ тўлашни талаб қилишади.

Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирги бозор шароитида корхонада реал ишлаб чиқаришда ҳам инқироз вазиятлари юзага қалқиб чиқади. Бундай вазиятда ишлаб чиқаришнинг ўзида корхона тўлиқ молиявий барқарор бўлгани ҳолда узоқ давом этадиган техник-технологик инқироз ўрин тутиши мумкин. Шунингдек, юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқарувчи технологик нуқтаи назардан самарали корхона ҳам макродаражада пул-кредит муносабатларининг тартибга солишдаги камчиликлар сабабли оғир молиявий аҳволга (ҳатто банкрот бўлиш ҳолатига) тушиб қолади. Шу билан бирга, корхонада реал ишлаб чиқариш инқирози молиявий инқироз билан мос келадиган вазият ҳам учрайди. Ушбу иккала инқироз ҳам бир-бирини кучайтиради. Шунинг учун инқирозли вазиятлар бошланиши белгиларини билиш ва уларни ҳал этиш имкониятларини баҳолаш муҳим ҳисобланади. Инқироз аломатлари ҳамма вақт ҳам инқироз белгиларининг ташқи намоён бўлиши, чуқурроқда яширинган инқироз сабабларини акс эттирмайди. Бироқ инқирознинг ушбу аломатлари корхона кўрсаткичларида, шунингдек, улар ўзгариши ижтимоий-иқтисодий тизимнинг фаолият кўрсатишини ва ривожланишини акс эттирувчи тенденцияларда намоён бўлади.

Тадқиқотчилар инқирозга ижобий тавсифга эга ҳодиса сифатида қарашади. Чунки унинг негизида инқирозга қарши кураш эмас, балки корхонани янги стратегияга ва ҳамкорлар билан ўзаро фойдали муносабатларга мос бўлган таркибий ўзгартиришлар ётади. Шундай қилиб, бозордан банкрот бўлган тадбиркорлик корхоналарини чиқариб юбориш эмас, балки уларни банкрот бўлиши олдини олиш, давомли ривожланишини таъминлаш – янада



муҳим вазифа ҳисобланади. Инқирозга қарши бошқариш деб номланувчи чора-тадбирлар тизими айнан ушбу вазифани ҳал этишга йўналтирилади.

Иқтисодий назария ва инқирозга қарши бошқаришга доир илмий ишларида инқирознинг моҳиятига турлича таъриф берилган. Чунончи, инқирозга қарши бошқариш (crisis management) кўпинча public relationsнинг жиҳатларидан бири сифатида тушунилади. Шу муносабат билан, аксарият ҳолатларда, масалан, инқирозга қарши бошқариш функцияларини таърифлашда коммуникатив жиҳатга эътибор қаратилади. Яна шундай фикр мавжудки, инқирозга қарши бошқариш реал тартиботлар эмас, балки муносабатлар соҳасида ётади. Ғарб иқтисодий адабиётида инқирозга қарши бошқаришнинг бошқа қисқа таърифи мавжуд: инқирозга қарши бошқариш – бу салбий вазиятлар бошланганда зудлик билан қабул қилиниши лозим бўлган ҳаракатлар дастури. Бундан ташқари, инқирозга қарши бошқариш компанияга таҳдид солиши мумкин бўлган турли хилдаги инқирозлар ва кучларни изчил ўзаро боғлиқ равишда баҳолаш сифатида ҳам таърифланади.

Айрим таҳлилчилар, инқирозга қарши бошқариш деганда, фақат банкротлик тартиботларини амалга ошириш давридаги бошқаришни тушунишади, бошқалари эса, бунда инқироздан олдинги, инқироз ва инқироздан кейинги даврлардаги бошқаришни назарда тутишади.

Муаллифларнинг инқирозга қарши бошқаришга нисбатан қарашлари ва ёндашувларининг таҳлили асосида шундай хулосага келиш мумкинки, инқироз вазиятларининг намоён бўлишига тезда эътибор қаратиш ва ушбу жараённинг корхонанинг бутун ҳаётий муҳим “органлари”ни қамраб олишига йўл қўймаслик лозим, бунинг учун инқирозга қарши чоралар кўриш зарур.

Бугунги кунда Ўзбекистон учун корхоналарни инқирозга қарши бошқариш уни турли нуқтаи назарлардан кўриб чиқишни талаб қилувчи янги тушунча ҳисобланади. Шуни инобатга олиб корхонада инқирозга қарши бошқарувда қуйидаги ғояларни амалга ошириш лозим деб ҳисоблаймиз.

1. Илмий назарияларни ва турли муаллифларнинг амалий ёндашувларини тадқиқ этиш асосида корхонада инқирознинг турли босқичларида ундан чиқиш стратегиялари мажмуасини ишлаб чиқиш зарурлигини исботлаш лозим.

2. Стратегиялар тизимли хусусиятга эга бўлиши, корхонада инқироз билан боғлиқ вазият эса молиявий ва бошқа кўрсаткичлар ёрдамида кузатиб борилиши керак.

3. Корхонани инқироз вазиятидан чиқариш стратегиялари стратегик инқироз, таркибий инқироз, ликвидлилик инқирози, вақтинчалик тўловга ноқобиллик, бутунлай тўловга ноқобиллик ва ночорлик босқичларида ва бурилиш (ривожланиш бошланиш) юзага келиш давригача (расмда кўрсатилган) ишлаб чиқилади.

Биз илгари сурган ушбу ғоялар қуйидаги ҳолатлар билан исботланади. Корхонада инқирозга қарши бошқарув икки хилга бўлинади.

1. Барқарор фаолият кўрсатувчи корхонани инқирозга қарши бошқариш. Бундай бошқариш инқирозни олдини олишни, унинг бошланишига йўл қўймасликни, циклли ўзгариб туришларни имкон қадар юмшатиб туришни, яъни инқироз омилларининг ҳолатини доимий равишда назорат қилишни, инқироз вазияти бошланишининг олдини олиш чораларини амалга оширишни ўз ичига олади.

2. Инқирозга учраган корхонани инқирозга қарши бошқариш. Бошқаришнинг ушбу хили корхонани инқироздан олиб чиқишни, инқирозга қарши стратегияни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни, корхонани фаолият кўрсатишнинг нормал даражасига чиқаришни ўз ичига олади.

Шуларни инобатга олганда қуйидаги тамойиллар корхонани инқирозга қарши бошқаришни ташкил этишнинг муҳим асоси ҳисобланади.

1. Корхонанинг молиявий фаолиятида инқироз ҳолатларини аввалдан ташхислаш. Чунки корхонада инқирознинг пайдо бўлиши корхонанинг фаолият кўрсатишига таҳдид солади ва унинг мулкдорларининг сезиларли йўқотишлари билан боғлиқ, инқирознинг пайдо бўлиши эҳтимолини ташхислаш, уни бартараф этиш имкониятларидан ўз вақтида фойдаланиш мақсадида муайян стратегияни ишлаб чиқиш орқали энг дастлабки босқичларда амалга оширилиши керак (илгари сурилган ғоянинг биринчи тасдиғи).

2. Инқироз ҳолатларига эътибор қаратишнинг муддатлилиги. Ҳар бир пайдо бўлган инқироз ҳолати нафақат ҳар бир янги хўжалик циклида кенгайиш тенденциясига эга, балки у билан боғлиқ янги ҳолатларни ҳам келтириб чиқаради. Шунинг учун, инқирозга қарши механизмлар қанча эрта қўлланилса, корхона тикланиш учун шунчалик катта имкониятларга эга бўлади. Ушбу ҳолатда муайян стратегия ишлаб чиқилиши ҳам мумкин (илгари сурилган ғоянинг иккинчи тасдиғи).

3. Корхона ўзининг молиявий мувозанати бузилишига қаратилган ҳақиқий таҳдид даражасига мутаносиб равишда ҳаракат қилиши. Банкротлик таҳдидини бартараф этишда фойдаланилаётган механизмлар тизимининг аксарият қисми молиявий харажатлар ёки йўқотишлар билан боғлиқ. Бунда ушбу харажатлар ва йўқотишлар даражаси корхона банкрот бўлиши хавфининг даражасига мутаносиб бўлиши керак (илгари сурилган ғоянинг учинчи тасдиғи).

4. Корхонани инқироз ҳолатидан олиб чиқишнинг ички имкониятларини тўлиқ амалга оширилиши. Банкрот бўлиши хавфи билан курашишда корхона фақат ўзининг ички молиявий имкониятларига таяниши зарур.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки, инқироз вазиятларининг таснифини синчиклаб ўрганишга, уларнинг эҳтимолий сабабларини билиш ва тартибга солиш воситаларига турлича ёндашиш мумкин. Лекин, барибир, инқирозлар пайдо бўлишининг асосий сабабига яна бир бор эътибор қаратсак – бу корхонани самарасиз бошқаришдир. Амалиёт кўрсатиб турганидек, корхонани инқирозга қарши бошқариш ушбу ҳолатда, аслида, илгари йўл қўйилган хатоларни тузатиш ҳисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. И.А. Каримов. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”. – Т.: “Ўзбекистон”, 2009. – 56 б.

2. И.А. Каримов. “Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш”. // “Халқ сўзи”. 19.01.2013 й.

Бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари – кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиялаштиришнинг муҳим манбаи

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин иқтисодиётнинг устувор соҳаларида муҳим иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилиб келинмоқда. Бу ислоҳотларнинг самараси ўлароқ, кичик бизнес ва тадбиркорликни кенг ривожлантиришга эришилмоқда.

Дониш РИЗАЕВ,
Тошкент молия институти.

Аннотация

Мазкур мақолада бюджетдан ташқари жамғармалар маблағларидан самарали фойдаланиш ва бу орқали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига имтиёзли кредитлар бериб, улар фаолиятини қўллаб-қувватлаш масалалари ёритилган.

* * *

В данной статье рассмотрены вопросы развития малого и частного предприятий путем предоставлениям им льготных кредитов внебюджетных фондов.

* * *

To develop small and private enterprises having given them soft loans from the help of extrabudjetary funds.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини молиялаштиришнинг янги манбаларини ташкил қилиш ва янада ривожлантириш иқтисодиётимизнинг асосий стратегик вазифаларидан биридир. Бу борада кичик бизнес субъектларини бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳисобига молиялаштириш ва ушбу фондлар маблағларидан самарали фойдаланиш жуда муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги кунда мамлакатимизда бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига кичик бизнес субъектларини кредитлаш Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки томонидан амалга оширилмоқда. Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қуйидаги мақсадларни кўзлаб, бюджетдан ташқари фондларнинг миллий валютадаги маблағларини имтиёзли шартларда таклиф этмоқда: деҳқон ва фермер хўжаликларининг ўз ишлаб чиқаришларини ривожлантириш ҳамда кенгайтириш; хом ашё ва материалларга дастлабки ишлов бериш; кичик ускуналар, меҳнат қуроллари, хом ашё, ярим фабрикатлар, фурнитура сотиб олиш; халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъат буюмлари ишлаб чиқариш; ҳунармандчиликни ривожлантириш, касаначилик асосида меҳнатни ташкил этиш; аҳолига сервис ва маиший хизматлар кўрсатилишини ривожлантириш; соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантириш; сайёҳлик соҳасини ривожлантириш; ихчам, лекин кўп тармоқли корхоналар ташкил этиш; қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда чуқур қайта ишлаш; маҳаллий саноатни ривожлантириш; қурилиш ва бинокорлик материаллари саноати; кўпроқ қишлоқ жойларда экспортга мўлжалланган ва импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришларни ташкил этиш; халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш соҳа-

си билан боғлиқ тадбиркорлик фаолиятининг бошқа турлари шулар жумласидан.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, деҳқон ва фермер хўжаликлари каби қарз олувчиларга Миллий банк қуйидаги кредит йўналишлари бўйича кредитлар бермоқда: иш билан таъминлаш жамғармаси ҳисобидан – 3 йилгача; деҳқон-фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан – 3 йилгача (6 ойгача имтиёзли давр билан). Банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан бериладиган кредитлар муддати ҳар бир ҳолатда алоҳида тартибда белгиланади. Бюджетдан ташқари фондларнинг кредит йўналишлари ҳисобидан бериладиган микрокредитлар бўйича имтиёзли фоиз ставкаси кредитланадиган инвестиция лойиҳаларининг йўналишларига қараб, қуйидаги ҳажмларда белгиланади: дастлабки (бошланғич) сармояни шакллантириш учун – амалдаги Марказий банк қайта молиялаштириш ставкасининг 1/6 қисми; оилавий тадбиркорлик субъектларига микрокредитлар имтиёзли фоиз ставкаси билан берилади. Бу ставка амалдаги Марказий банк қайта молиялаштириш ставкасининг 1/4 қисмини ташкил этади; деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш ва кенгайтириш, қишлоқ хўжалиги техникаси сотиб олиш, фермерлик иншоотларини қуриш учун – амалдаги Марказий банк қайта молиялаштириш ставкасининг 1/3 қисми; хом ашё ва материаллар ишлаб чиқариш ҳамда уларни қайта ишлаш, маҳаллий саноат ва ҳунармандчиликни ривожлантириш, касаначилик меҳнатини ташкил этиш, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ҳамда қурилиш ишларини амалга ошириш учун – амалдаги Марказий банк қайта молиялаштириш ставкасининг 40 фоизи; хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун – амалдаги Марказий банк қайта молиялаштириш ставкасининг 45 фоизи. Бюджетдан ташқари фондларнинг кредит йўналишлари ҳисобидан бериладиган кредитлар бўйича имтиёзли фоиз ставкаси кредитланаётган инвестиция лойиҳаларининг йўналишига қараб, қуйидаги ҳажмларда белгиланади: дастлабки (бошланғич) сармояни шакллантириш учун – Марказий банк амалдаги қайта молиялаштириш ставка (2013 йил учун – 12 фоиз)сининг 1/6 қисми; деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш ва кенгайтириш, қишлоқ хўжалиги техникаси сотиб олиш, фермерлик иншоотлари қуриш учун – Марказий банк амалдаги қайта молиялаштириш ставка (2013 йил учун – 12 фоиз)сининг 1/3 қисми; хом ашё ва метериалларни ишлаб чиқариш ҳамда чуқур қайта ишлаш, маҳаллий саноатни ривожлантириш учун – Марказий банк амалдаги қайта молиялаштириш ставка (2013 йил учун – 12 фоиз)сининг 40 фоизи ҳажмида; бошқа мақсадлар учун – Марказий банк амалдаги қайта молиялаштириш ставка (2013 йил учун – 12 фоиз)сининг 45 фоизи ҳажмида. Мазкур чора-тадбирлар доирасида Миллий банк томонидан 2012 йил якунлари бўйича бюджетдан ташқари фондлар маблағлари ҳисобидан берилган кредитлар ҳажми 3,819 миллиард сўм, шу жумладан, Бандликка кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан – 1,341 миллиард сўм, Деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан – 1565,6 миллион сўмни ташкил қилди. Ушбу кредитларнинг 49 фоизи савдо, 21,9 фоизи саноат, 19,1 фоизи маиший хизмат, 10 фоизи қишлоқ хўжалиги тармоғида фаолият юритаётган кичик бизнес субъектларига ажратилган. Амалга оширилаётган бу каби тадбирлар албатта, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожида катта аҳамият касб этади. Агар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳисобланувчи қарз олувчилар экспорт фаолияти билан шуғуллансалар унда бериладиган имтиёзли кредитлар даврини узайтириш ва имтиёзли фоиз ставкасини янада тушириш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Зеро, бу кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, деҳқон ва фермер хўжаликлари ўзлари яратган маҳсулотларини экспорт қилишларига яна бир имконият яратилган бўлади. Бу албатта уларни экспорт салоҳиятини оширади. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, республикамизда кичик бизнес инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш масаласи бугунги кунда долзарб масалалардан бири бўлиб, шунингдек, бу соҳадаги муаммоларнинг ечимини топиш, тадбиркорларга молиявий ёрдам бериш механизмини мукаммаллаштириш, пировардида соҳа ривожланиши учун хизмат қилади.

Банк ликвидлигига таъсир қилувчи омиллар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари

Маълумки, мамлакатнинг молиявий-иқтисодий инқирозга юз тутиши оқибатида банк мижозларининг молиявий имкониятининг пасайиши, уларга ажратилган кредитлар қайтарилишининг сусайиши, банк депозитлари (омонатлари)дан маблағларни олиб қўйиши жараёнлари юз беради, ва аксинча, иқтисодиётнинг ривожланиши эса банкларга қўшимча маблағларининг келиб тушиши ҳамда банк ресурсларининг шаклланиши учун замин яратади.

Алтинбек АБДУЛЛАЕВ,
доцент, иқтисод фанлари номзоди.

Банкларнинг фаолиятига миқдорий баҳо берувчи, ишончлигини таъминловчи ва унинг фаолиятига аниқ ташхис қўювчи воситаларидан бири бу – банкнинг ликвидлиги ҳисобланади. Банкнинг барқарор ривожланиши унинг ликвидлик даражасининг таъминланишини талаб этади. Банк ликвидлиги нафақат банкнинг барча контрагентлари олдидаги молиявий ва қарз мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишини таъминлаш имкониятини беради, балки банк контрагентларининг кредитларга бўлган эҳтиёжларини ҳам таъминланишини белгилаб беради.

Банк ликвидлиги унинг мажбуриятлари билан ҳам ўзаро боғлиқ. Маълумки, банк мажбуриятларининг таркибида талаб қилиб олингунча сақланадиган, жамғарма ва муддатли депозитлар, жалб қилинган банкларарo ресурслар, кредиторларнинг қарз маблағлари, банклар томонидан берилган кафолатлар акс этади. Банк мажбуриятларининг ўз вақтида, тўлиқ ва йўқотишларсиз бажара олиш имкониятини банк ликвидлиги ўзининг зиммасига олади. Ликвидликни таъминлай олмайдиган банк тўловга лаёқатсиз бўлиб қолаверади ва натижада у банкротликка юз тутиши муқаррар.

Банк мажбуриятларининг ўз вақтида, тўлиқ бажарилиши ва уларни йўқотишларсиз таъминлашнинг зарурлиги банк раҳбарларидан ликвидликнинг ўзгаришига таъсир қиладиган омилларни таҳлил қилиб боришни талаб этади. Банк раҳбари томонидан ликвидликни самарали бошқариш учун унга таъсир этувчи асосий омилларни аниқлаб олиши зарур, чунки бу омилларни аниқлаш банк раҳбари учун банк амалиётида юз берадиган негатив ўзгаришларни олдиндан кўра билиш ва унга нисбатан эҳтиёт чорасини кўриш учун имконият яратади.

Банк ликвидлигига таъсир этувчи омиллар бўйича иқтисодий адабиётларда турли хилдаги қарашлар мавжуд. Банк ликвидлигининг мавжуд муаммолари билан шуғулланган кўпгина иқтисодчи олимлар (О.И.Лаврушин, Т.В.Никитина, Н.Д. Белостоцкая, Ё.Абдуллаев, Т.Каралиев ва б.лар) банк ликвидлигига таъсир этувчи омилларни ички ва ташқи омиллар гуруҳига ажратиш орқали таҳлил қилиб чиққанлар. Хусусан, банк ликвидлигининг ўзгариши унинг фаолиятидан ташқарисида мавжуд бир қатор ташқи омиллар билан ҳам боғлиқ. Бу омиллар таркибига мамлакатдаги иқтисодий ва сиёсий аҳвол, пул ва қимматли қоғозлар бозорининг ривожланганлик даражаси, банкларарo бозорнинг барқарорлик ва ривожланганлик даражаси, Марказий банкнинг қайта молиялаштириш имконияти, Марказий банкнинг назорат функцияси ва унинг самарадорлиги каби омиллар киради.

Маълумки, мамлакатдаги иқтисодий ва сиёсий аҳволнинг барқарорлиги банкларнинг барқарорлигига тўғридан-тўғри ижобий таъсир кўрсатади. У кўпгина ҳолларда юридик ва

жисмоний шахсларнинг банкка бўлган ишончини мустаҳкамлайди, банкнинг сиёсатини қай даражада самарали юритишнинг йўналишларини белгилаб беради, банк операцияларининг самарали ривожланишига имконият яратади, банк фаолиятининг иқтисодий барқарорлигини таъминлайди, хорижий инвесторларнинг банкка бўлган ишончини оширади ва улар билан бирга ҳамкорликни мустаҳкамлашга имконият яратади. Бу эса, банкда барқарор ресурслар базасини шакллантиришда, банк активларининг сифатини оширишда ва бошқарув тизимини мукаммаллаштиришда асосий омиллардан бири сифатида хизмат қилади ҳамда банк ликвидлигига таъсир кўрсатади. Мамлакатдаги иқтисодий ва сиёсий аҳвол бўйича нобарқарорликнинг юзага келиши банк ликвидлиги муаммосининг шиддат билан кучайишига, иқтисодиётда пул маблағлари таклифининг қисқаришига, кредитлар бўйича хизмат кўрсатиш жадвалининг бузилишига ва кредитларнинг муддатини узайтиришга эҳтиёж сезишга, пул маблағларининг етишмовчилигига, қимматли қоғозлар бозорида баҳоларнинг пасайишига олиб келади. Бундай ҳолатлар банк раҳбаридан банкнинг ликвидлик даражасини жиддий асослаб беришни ва банкни бошқаришда энг мақбул қарорларни қабул қилишни тақозо этади. Бундай нобарқарорликнинг юзага келиши банк ликвидлигига жиддий таъсир кўрсатади. Қимматли қоғозларнинг ривожланиши банкни ликвидли маблағлар билан даромадли ва йўқотишларсиз таъминлайди. Банк активларини пул маблағларига тезда айлантириш йўли хорижий мамлакатларда фонд бозорининг узлуксиз фаолият кўрсатиши билан боғлиқ. Қимматли қоғозлар билан боғлиқ бўлган операцияларни самарали юритиш учун банклар ўзларининг ортиқча ликвидли маблағларини самарали бошқаришлари ва қимматли қоғозларни қайта сотиб олиш шарти билан уларни инвестицияга йўналтириши лозим.

Қимматли қоғозлар бозорининг ривожланиши бозорнинг ҳажмига, ундаги иштирокчиларнинг сонига ва барқарорлик даражасига боғлиқ. Бозорнинг ҳажми қанчалик кенгроқ, иштирокчилар эса кичик ва ўртача савияда бўлса, бозор иштирокчиларининг барчаси бозордаги молиявий воситаларни бир вақтнинг ўзида сотиб олишга ёки сотишга интилади, бунда муайян вақт ичида уларга бўлган талаб ва таклифнинг тебранма амплитудаси юзага келади. Талаб ва таклифдаги тебранма амплитуда-ларнинг пасайиши бозор иштирокчиларининг талабини қаноатлантиради. Бундай ҳолатларда бозорнинг ликвидлиги ўсади, актив операциялар муддатининг узайтирилишига, хатарларнинг пасайишига имконият яратилади, аммо бир вақтнинг ўзида даромадлилик ҳам пасаяди.

Ҳозирги вақтда ривожланган хорижий мамлакатларда қимматли қоғозлар бозори турли хил даражада ривожланмоқда. Қимматли қоғозлар бозори сегментларининг ривожланиши молиявий бозор иштирокчиларига, хусусан, банклар ўртасида бўш турган пул маблағларини қайта тақсимлашни белгиловчи омилга эга. Бозор барқарор ривожланиши, ликвидликнинг мустаҳкамланиб бориши банкларга маблағларни тезда жалб қилишга замин яратади, зарурий ҳолларда қимматли қоғозларнинг барқарорлик даражаси уларни тезда сотишда имконият билан таъминланади. Бу омил активларнинг ликвидлик даражасига жиддий таъсир кўрсатади, зарурий ҳолларда уларни сотишда активларнинг ликвидлиги бозорни шакллантиради. Давлатнинг қимматли қоғозлари ва эмитентлар рўйхати хорижий мамлакатлар бозорида эркин муомалада бўлади ва улар банкларнинг юқори ликвидли активлари бўлиб ҳисобланади.

Банклараро бозорнинг ривожланиши вақтинчалик бўш турган пул маблағларини банклар ўртасида қайта тақсимланишига имконият туғдиради. Ундан банк ўзининг ликвидлигини таъминлаши учун турли хил муддатда маблағларни жалб этишлари мумкин, хусусан, бир кундан то бир неча ойгача бўлган муддатни ташкил этади. Бу маблағларни банклараро кредит ресурслари бозоридан қай даражада жалб қилиши иқтисодий конъюнктурага, банк нуфузига ва банклараро бозордаги бошқа тижорат банкларининг фаолияти билан боғлиқ. Банклараро кредит ресурслари бозори мамлакатимизда ўз фаолиятини юритмоқда, унда банк ресурсларини сотиш ва сотиб олиш индикаторлари эълон қилинади ва қатнашиш ҳуқуқини олган банклар бўш турган банкнинг ресурсларини сотади, ўзининг мажбуриятларини бажариш учун етишмаган маблағларини бошқа банкларнинг маблағлари ҳисобидан жалб қилади. Банклар ресурсларни сотишлари натижасида ўзига фоизли даромад олади, банк ресурсларга зарурий эҳтиёжлар сезганда банк уларни сотиб олиши ҳам мумкин. Бу жараён банклараро бозордаги энг арзон ва қулай усуллардан бири ҳисобланади. Бунда банк ўзининг

ресурсларини мижозлар учун жойлаштирмасдан, балки бошқа банкларга ўзининг бўш турган ресурсларини жойлаштириш сиёсатини олиб боради. Бу сиёсат уларнинг хатарлилик даражасини камайтириш сиёсатининг юритилаётганлигини кўрсатади. Бунинг сабаби банклар томонидан бошқа банкларга берилган ресурсларнинг хатари мижозларга берилган кредитларнинг хатаридан пастроқ бўлиши шуҳбасиз.

Банклараро бозорнинг ривожланиш омили Марказий банкнинг қайта молиялаш тизими билан ўзаро боғлиқ. Банкларда ликвидли активлар билан таъминлаш манбаи Марказий банкнинг мақсадли кредитлаш ресурслари билан шаклланишидадир. Марказий банк тижорат банкларининг ликвидлилигига қайта молиялаш сиёсати орқали таъсир кўрсатиши маълум. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози кузатилаётганда кўпгина давлатлар Марказий банкнинг ҳисоб ставкасини анча пасайтиришган ва улар арзон пуллар сиёсатини юритганлар. Масалан, бу шароитда АҚШ Федерал захира тизими томонидан ҳисоб ставкасини 5,25 фоиздан 1 фоизгача туширган. Бундай чоралар мамлакатнинг молиявий инқироздан чиқиб кетишига ва банкларнинг ликвидлилигини таъминлашга ўз самарасини бермай қолмайди.

Банк ликвидлигини бошқаришда Марказий банкнинг назорат функциясининг самарадорлиги давлат назорат органларининг муносабатини белгилаб беради. Марказий банк ликвидликнинг зарурий меъёрини белгилаш имкониятига эга ва тижорат банклари бу меъёрларга риоя қилиши лозим. Бунда аниқ белгиланган кўрсаткичлар банкнинг ликвидликни таъминлашга ёрдам беради.

Банк ликвидлигининг ўзгариши банк фаолиятининг ичида юзага келадиган бир қатор ички омиллар билан ҳам боғлиқ. Булар банкнинг мустаҳкам капитал базаси, банк активлари ва депозитлар сифати, ташқи манбаларга боғлиқликлиги, актив билан пассивларнинг муддатлари бўйича мувофиқлиги, банкнинг менежменти, банк нуфузи каби омиллардир.

Банкнинг мустаҳкам капитал базаси унинг активлари хатарга учраганда асосий манба ролини бажаради, у омонатчилар ва депозиторларнинг ишончли ҳимоячиси ва банкнинг молиявий барқарорлигини таъминловчи кучли восита сифатида хизмат қилади. Ундан банк контрагентлар олдидаги молиявий ва қарз мажбуриятларини ўз вақтида, тўлиқ бажарилишини кафолатлаш учун фойдаланилади. Қанчалик банкнинг хусусий капитали кўп бўлса, банкнинг ликвидлиги ҳам шунчалик юқори бўлади. Банкнинг ресурс базаси актив операцияларни такомиллаштиришда асосий омил бўлиб ҳисобланади. Банкнинг хусусий капитали кўзда тутилмаган мажбуриятларнинг юзага келишида амортизатор ролини бажаради. Бу кўрсаткич банкнинг нормал фаолият юритиши учун катта аҳамиятга эга, шунинг учун капиталнинг минимал миқдори қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинади. Банк банкрот бўлганида банкнинг хусусий капитали унинг контрагентлари олдидаги мажбуриятларни қайтариш учун ишлатилади. Банкнинг мустаҳкам капитал базаси банкнинг молиявий барқарорлигига ва ликвидлигига таъсир кўрсатади. Бу кўрсаткичлар бўйича банк раҳбарлари доимий назорат ўрнатишлари лозим.

Банк ликвидлигига активларнинг сифати ҳам таъсир кўрсатади ва уларнинг сифати ликвидлик, хатарлилик, даромадлилик ва диверсификациялаш мезонлари орқали аниқланади.

Банкнинг ликвидлик даражасини таъминлаш учун банкдан кассадаги нақд пуллар, Марказий банкдаги ва бошқа банклардаги вакиллик ҳисобварағидаги қолдиқ маблағлар ва давлат қисқа муддатли облигацияларни сақлаб туришни талаб этади. Активларнинг ликвидлик даражаси қисқа муддатли ссудалар, банклараро кредитлар, факторинг операциялар, акциядорлик жамиятининг қимматли қоғозлари, банкнинг узоқ муддатли қўйилмалари ва инвестициялари билан боғлиқ бўлиб, улар муайян муддат ичида нақд пулларга айланиши қобилиятига эга. Муддати ўтган ссудалар, қимматли қоғозларнинг турлари, бино ва иншоотлар кўринишидаги активлар ва ноликвидли активларни ташкил этади. Банк активларининг таркибида ноликвид активларнинг кўпайиши банкнинг ликвидлилигига салбий таъсир кўрсатиши маълум. Қайтарилмаган кредитлар учун банк ўзининг даромадлари ҳисобидан кўрилиши мумкин бўлган захираларни шакллантиради, зарурий ҳолларда улар шакллантирилган захиралар ҳисобидан банк томонидан қопланиши ҳам мумкин.

Активларининг хатарлилиги қанча даражада юқори бўлса, банкнинг ликвидлик даражаси шунчалик паст бўлади. Активларининг хатарлилиги деганда, активларнинг пул маблағига айланиш жараёнида юзага келадиган йўқотишларни тушуна-

миз. Уларнинг хатарлилик даражаси қарздорнинг молиявий аҳволи, кредитлаш объекти, кредитлар ҳажми, кредитларни ажратиш ва уларни қоплаш тартиби, эмитентнинг молиявий барқарорлиги, қимматли қоғозларни чиқариш ва сотиш механизми ва биржадаги баҳолаш қобилиятлари билан ўзаро боғлиқ.

Активларнинг самарадорлиги ва даромад келтириш қобилияти банкнинг капитал базасини мустаҳкамлашга ва банкнинг ривожланишига манба яратади. Даромад келтирувчи активларнинг улуши қанчалик юқори бўлса, улар шунчалик банкка даромад олиб келади. Бунда банк юзага келадиган хатоларни ўз зиммасига олади. Активларнинг таркибини тартибга солиш учун идрокка таянишни тақозо этади. Банк раҳбарининг фойда олишга тўхтовсиз интилиши активлар билан бир вақтнинг ўзида ликвидликни ҳам йўқотиб қўйиши мумкин.

Активларнинг диверсификацияланиши банк ликвидлигига ва унинг умумий фаолиятига ижобий таъсир этувчи омиллардан бири бўлиб ҳисобланади. Уларнинг диверсификацияланишида банк активлари, кредит қўйилмалари, қимматли қоғозлар портфели, хорижий валюталар таркиби ва бошқа шу каби кўрсаткичларда ўз аксини топади. Активлар қанчалик диверсификацияланган бўлса, банкнинг ликвидлик даражаси шунчалик юқори бўлади.

Банкларда депозитларнинг сифати уларнинг барқарорлигига боғлиқ. Депозитлар қанчалик барқарор бўлса, банк ликвидлиги ҳам шунчалик юқори бўлади. Улар юридик ва жисмоний шахсларнинг бўш турган пул маблағлари ҳисобидан муддатли, жамғарма ва талаб қилиб олингунча депозитлар (омонатлар), жамғарма (депозит) сертификатлари, бошқа депозитларнинг турлари билан шаклланади. Депозитларнинг барқарор қисмининг кўпайиб бориши банкнинг ликвидли маблағларига бўлган талабини камайтиради. Хорижий экспертлар «талаб қилиб олингунча депозитларни мустаҳкам барқарорликка, муддатли ва жамғарма депозитлар ундан камроқ барқарорликка эга» деб эътироф этмоқдалар. Жаҳон банк амалиётида депозитларнинг давомийлигига жуда катта эътибор берилади.

Банкнинг ликвидлиги унинг ташқи манбаларига, хусусан, банкларараро кредитларига боғлиқ. Маълумки, банкларараро кредитлар банкларда қисқа муддатли ликвидли маблағларнинг етишмаслигини тўлдиради. Жалб қилган ресурсларнинг асосий қисмини банкларараро кредитлар ташкил этса, банкларараро бозорда улар банкнинг инқирозга учрашига имконият яратиши мумкин. Ташқи манбаларга бўлган талаб банкнинг ресурс базасига эга эмаслигини кўрсатади. Шунинг учун банклар ўзининг ресурс базасини самарали бошқариш мақсадида уларни банкларга қисқа муддатга даромад олиш учун жойлаштиради ва мижозларнинг мажбуриятларини биринчи талаб доирасида бажаради. Банк ресурсларининг таркибида банкларараро кредитлар салмоғининг кўп бўлиши ресурслар базасининг қимматлашишига олиб келади. Шунинг учун банкларда жами ресурсларга нисбатан банкларараро кредитлар улушининг миқдори 20 фоиздан кўп бўлмаслиги тавсия этилади.

Муддатлари ва суммалари бўйича активлар ва пассивларнинг ўзаро мувофиқлиги банк ликвидлигига жиддий таъсир этади. Бундай мувофиқликка риоя қилмаслик жалб қилинган ресурслар билан ишлайдиган банклар кредиторлар олдидаги мажбуриятларни ўз вақтида, тўлиқ бажара олмаслик имкониятига тушиб қолиши муқаррар. Бу мувофиқлашув активларнинг зарарсиз сотилишини ва мажбуриятларнинг ўз вақтида бажарилишини таъминлайди ва у қанчалик барқарор бўлса, банк сиёсати, банкнинг ликвидлиги ва молиявий ҳолатининг барқарорлиги шунчалик мувофиқлашади.

Банк менежменти банкнинг фаолиятини бошқаришда ва унинг ликвидлигининг ўзгаришига жиддий таъсир кўрсатади. Банкни самарали бошқаришда банк сиёсати, юксак даражадаги жорий ва стратегик вазифаларни амалга ошириш, активлар ва пассивларни бошқариш механизми, масъулиятли қарорларни қабул қилиш каби жараёнлари ўз аксини топади. Банк менежменти капиталнинг етарлилиги, активларнинг сифати, даромадлилиги ва юқори ликвидлик даражаси кўрсаткичларининг натижаларига боғлиқ, чунки бу кўрсаткичларнинг даражаси қанчалик барқарор бўлса, банкларнинг менежменти ҳам юқори сифатли бўлади.

Банк фаолиятининг сифатига банкнинг малакали ходимлари ҳам таъсир кўрсатади. Банк раҳбари ва ходимларнинг касби, уларнинг ихтисослиги банкнинг ликвидлик даражасига таъсир кўрсатишини белгилаб беради, чунки банк раҳбари банкнинг ликвидлик даражасини асослаб беради, у банк фаолиятини бошқаришда илмий жиҳатдан ёндашади, мавжуд ахборот базасидан маълумотларни таҳлил қилиш орқали ликвидликни самарали бош-

қаришда мақбул қарорлар қабул қилади. Шунинг учун ҳозирги кунда барча банкларнинг малакали кадрларга нисбатан эҳтиёжи жуда катта.

Банк нуфузи ҳам унинг ликвидлигига таъсир кўрсатувчи факторлардан бири ҳисобланади. Юқори нуфузли банк бошқа банкларга нисбатан устунликка эга бўлиши, ликвидли маблағлар етишмаганда зудлик билан уни бартараф этиши, юқори сифатли активларга эга бўлиши, молиявий барқарор бўлган мижозлар билан мустаҳкам алоқа боғлашлари лозим. У нуфузли хорижий шериклар билан алоқаларнинг ривожланишига риоя қилади, мижозларга хизмат кўрсатишнинг сифатини оширади, ишончли, систематик ва кенг савиядаги рекламаларни ташкил этади, мустақил рейтинг агентликлар томонидан рейтинг баҳолашларни матбуотда эълон қилади, бунда банк менежерининг шахсий сифати, компоненти ва маънавий қиёфаси аниқланади. Банк мушкул аҳволга тушганда ҳам ўзининг ликвидлигини осон ва тез тиклайди, ўзининг юқори нуфузини сақлаб қолади.

Т.В.Никитина банк ликвидлигига таъсир қилувчи муайян бир гуруҳга алоқадор бўлган ташқи омилларни таснифлаб берди ва уларни тўртта асосий гуруҳга ажратди: а) дастурли-мақсадли ҳодисалар (халқ хўжалиги тармоғининг (банк ва пул-кредит соҳаси) бозор муносабатларига ўтиши)нинг иқтисодий сиёсати; б) тасодифий ўзгаришлар (иш ташлаш, ҳалокат оқибатлари, иқтисодий ва сиёсий воқеалар); в) мавсумий ўзгаришлар; г) циклик ўзгаришлар (истеъмол, жамғарма, ишчилар сони, инвестиция жараёнидаги ўзгаришлар, аҳоли сони, иқтисодий циклнинг босқичлари билан боғлиқ бўлган техник даражадаги ишлаб чиқариш).

Кўпгина иқтисодчи олимлар банкнинг ликвидлигига таъсир этувчи омилларни ички омиллар сифатида, хусусан, Н.Д.Белостоцкая, В.И.Колесниковлар «банк капитали»ни, «жалб қилинган маблағлар билан жойлаштирилган маблағлар»ни, М.А.Поморина «мижозлар сонининг динамикаси»ни, «иқтисодиёт секторлари бўйича мижозларнинг тақсимланиши ва улар бизнесининг мавсумий ўзгаришлари билан боғлиқлиги»ни, «банкнинг катта-кичиклиги ва унинг имиджи»ни, «асосий депозитларнинг жалб қилинган ресурслардаги улуши (кичик ва ўрта савиядаги мижозларнинг трансакцион ҳисобварақларда камаймайдиган қолдиқларнинг улуши)»ни, «кредит портфелининг сифати»ни, «қимматли қоғозлар портфелининг сифати (савдо портфели)»ни, «талаб ва мажбуриятларнинг муддати бўйича активлар билан пассивларнинг мувофиқлиги»ни, А.А.Питкин «мижозлар сони ва уларнинг ўзгариш динамикаси»ни, «ҳисобварақлар бўйича қолдиқлар билан ҳисобварақларда камаймайдиган қолдиқларнинг ўртача миқдорининг ўхшашлик даражаси»ни, «активдаги қўйилмаларнинг сифати»ни, актив ва пассив операцияларнинг муддатлари бўйича мувофиқлиги»ни, «банкнинг катта-кичиклиги ва унинг имижи»ни, М.П.Котихов «фаолият кўлами ва унинг диверсификацияси»ни, «капитал базасининг ҳолати»ни, «ходимлар малакаси»ни, «рақобат устунлиги»ни, «ишлаш тартиби ва бажариладиган иш тартиби»ни, «қўшимча манбаларга кириш имконияти ва осонлиги»ни, В.В.Иванов «ички бажариладиган иш тартиби»ни, «банкнинг кўлами»ни, «ходимнинг малакаси»ни, «қўшимча ресурсларга бўлган имконият»ни, «рақобат устунлиги»ни эътироф этдилар.

Айрим иқтисодчилар ликвидлик тушунчасининг мураккаб ва серқирра эканлигини, суммаси ва муддатига кўра депозитларнинг таркибини ресурсларнинг барқарорлиги билан алоқадорлигини ўзининг илмий ишларида кўрсатиб ўтганлар. Хусусан, Т.В.Никитина, В.И.Колесников ва Н.Д.Белостоцкаялар «барқарорликнинг паст даражаси талаб қилиб олингунча депозитлар ҳисобланади, чунки ҳар қандай вазиятда ҳам депозитга қўйилган маблағларни олиб қўйиши мумкин, муддатли депозитлар учун қайтариш муддати қонун ҳужжатлари билан қатъий белгиланганлиги сабабли маблағларни ўрнатилган муддатдан олдин олиб қўйиши мумкин эмас» деб эътироф этади. Амалиётда бу масала юзасидан бирмунча камчиликлар учраб туради. Хусусан, И.Т.Балабанов ўзининг «қолдиқлар назарияси»да «талаб қилиб олингунча депозитларнинг бир қисми узоқ муддатга активларга жойлаштириш мумкин» деб таъкидлаган. О.И.Лаврушиннинг бу масала юзасидан қарашлари ўхшаш. Депозитлар сифатининг мезони уларнинг барқарорлиги билан белгиланади, депозитларнинг барқарорлиги қанчалик юқори бўлса, банкнинг ликвидлиги ҳам шунчалик юқори бўлади. Бунда ресурслар барқарорлигининг юқори бўлиши талаб қилиб олингунча депозитларнинг доимийликка эга бўлишини тақозо этади. Талаб қилиб олингунча депозитларнинг муайян бир қисмидан узоқ муддатли инвестиция сифатида фойдаланиш

мумкин эканлиги иқтисодий адабиётларда кўплаб учрайди.

Суммаси ва муддати бўйича активлар билан пассивларга маблағларнинг жалб қилиниши ва жойлашиш нисбати пул оқимларининг жорий давр учун ҳам келгуси давр учун ҳам манба яратади. Уларнинг бир-бирига қанчалик мувофиқлиги яқинлашса, уларда йўқотиш эҳтимоллиги камаяди, бунда пул оқимларининг мувозанати бузилади.

Пул бозоридан пул маблағларини жалб қилиш имконияти банкнинг молиявий аҳволини ва банкларараро кредитларнинг жалб қилинган маблағлар ичида қанча миқдорда улуши мавжуд эканлигини аниқлаб беради.

Олимлар капитал базасининг сифати ва миқдорини тижорат банкининг ликвидлигига таъсир этувчи асосий омил сифатида эътироф этади. Кўпинча банкнинг хусусий капитали узоқ муддатли манбалар сифатида банк балансининг пассивида иштирок этади ва у маблағларнинг иммобилизациялаш даражасини белгилаб беради. Банк капитали узоқ муддатли активларга билан қийин сотиладиган активларга жойлаштирилса, у ҳолда уларнинг банк ликвидлигига сустроқ таъсир қилади.

Тижорат банкининг ликвидлигини хўжалик юритувчи субъектларнинг ликвидлиги сифатида қараш мумкин. Маълумки, тижорат банкининг ликвидлиги тўғридан-тўғри, банкдаги ҳисобварақлар орқали ўтувчи пул оқимларининг хусусиятлари билан боғлиқ. Айнан, тижорат банкларининг хусусияти пул оқимлари тизими сифатида, банк ликвидлиги тушунчасининг ўзига хос компоненти сифатида алоқа қилади, бунда ликвидлик тижорат банкининг мавжуд мажбурий шарти бўлиб қолади. Банк учун энг муҳими ҳозир ва келажакда кирим ва чиқим қилинадиган пул оқимларининг мувозанатини таъминлашнинг реал ва потенциал имкониятлари зарур. Тижорат банкининг ликвидлиги динамик ҳолатда бўлганда, у баланснинг статик кўрсаткичлари билан ифодаланади ва ликвидлик даражасининг ўзаро нисбатини аниқлаш орқали белгиланади. Пул оқимларида юзага келадиган салбий тафовутлар захира манбаларининг ҳисобидан қопланиши мумкин.

Фикримизча, пул маблағларини ресурси сифатида қисқа муддатга банкка жалб қилиш, уларни узоқ муддатли активларга жойлаштириш, иқтисодий ва сиёсий нобарқарорлик натижасида маблағнинг чиқиб кетиш жараёнлари банкнинг ликвидлик даражасини пасайтиради, ва аксинча, халқаро капиталларнинг банкларга кирим қилиниши банкнинг ликвидлик даражасини оширади. Шу билан бирга, банк ликвидлигининг ўзгаришига «банкка жалб қилинган ресурсларга белгиланган фоиз ставкаси билан миллий валюта курсининг ўзгариши», кредитлар ва депозитлар учун ўрнатилган фоиз ставкалари ҳам таъсир этади. Масалан, бу ҳодисани 1998 йилда айрим мамлакатлардаги инқироз даврида АҚШ доллари курсининг ниҳоят даражада ўсганлигини ва бу жараёнга сабаб бўлганлигини кўришимиз мумкин. Бу даврда халқ валюта омонатларини банклардан оммавий олиб қўйганлиги учун банкнинг ликвидлиги оммавий равишда инқирозга учраган, чунки омонатчиларнинг иқтисодий манфаатдорлиги мақсадга мувофиқ бўлмаган эди, ва аксинча, АҚШ долларининг курси ошган пайтда аҳоли ўзининг валюталарини банк омонатларидан олиб қўйишга ҳожат қолмайди, чунки миллий валюта қайта баҳоланганда унинг қиймати ўсади.

Хулоса қилиб айтганда, банк ликвидлигига таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилиш ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини батафсил ўрганиш банкнинг «оғриқ» нуқталарини ва мавжуд муаммоларнинг ечимларини топишга, уларни юзага келишининг олди олинади ва улар ўз вақтида бартараф этиш учун амалий ёрдам беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

"Банковское дело" /Под ред. Лаврушина О.И. – М.: "Кнорус", 2008.

Никитина Т.В. "Банковский менеджмент". – СПб.: "Питер", 2002.

Белостоцкая Н.Д. "Банковское дело". – М.: "Финансы и статистика", 1992.

Абдуллаев Ё. ва бошқалар. "Банк иши". – Т.: "Иқтисод-молия", 2009.

Туризм хизматлар бозорида маркетинг тадқиқотларини ахборот билан таъминлашнинг самарали услуби



Машхура АЛИМОВА,
Самарқанд Давлат университети катта илмий ходим-изланувчиси.

Аннотация

Мақолада туризм хизматлар бозорида маркетинг тадқиқотларини ахборотлар билан таъминлаш, ахборот тизимини лойиҳалаш ва татбиқ этиш зарурияти ёритилган.

* * *

В статье освещаются проблемы информационного обеспечения маркетинговых исследований на рынке туристических услуг, необходимость проектирования и внедрения информационных систем.

* * *


This article is devoted to study the problem of informative support of marketing researches on the market of tourism services, substantiates the necessity of the design and implementation of information systems.

Бугунги кунда туризм жаҳон иқтисодиётининг етакчи тармоғи сифатида алоҳида мамлакатлар ва ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишида ўзининг салмоқли ҳиссасига эга. Бу муайян мамлакат ёки ҳудудда янги иш ўринларининг яратилиши, қўшимча инвестицияларнинг жалб қилиниши, солиқ тушумларининг ошиши, маданий, тарихий ва табиий бойликларни сақлаш ҳамда рационал фойдаланишда ўз аксини топмоқда.

Бунга алоҳида эътибор қаратган мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов: “Таркибий янгиланишдаги алоҳида эътиборни талаб этадиган навбатдаги муҳим масала бу – хизматлар соҳасининг жадал ривожланишини таъминлашдан иборат. Энг муҳими, шуни унутмаслик керакки, катта капитал қўйилмалар талаб қилмайдиган бу соҳа иқтисодиётнинг юксалишига, аҳоли бандлиги ва даромадларининг ортишига сезиларли даражада ижобий таъсир кўрсатади” [1], деб таъкидлаган. Хусусан, “2012-йилда хизмат кўрсатиш соҳаси юқори суръатлар билан ривожланиб, аҳолига кўрсатилган хизматлар ҳажми қарийб 15 фоизга ўсди, ушбу

соҳанинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидаги улуши эса бугунги кунда 52 фоиздан зиёдни ташкил этмоқда”[2]. Аммо, Ўзбекистонда туризм тармоғининг ривожланиши ўзининг тўлиқ имкониятлари доирасидаги даражасига эришгани йўқ.

Мамлакатимизнинг туристик хизматлар бозорида ижобий силжишлар билан бирга, унинг барқарор ривожланишига тўсқинлик қилувчи баъзи муаммолар мавжуд. Булар, ушбу соҳага йўналтирилган инвестицион маблағларнинг етишмаслиги ва туризм объектларига инвестицияларни жалб қилиш соҳасидаги айрим муаммоларнинг мавжудлиги, туристик ташкилотлар фаолиятларини тартибга солиш масалалари тўлиқ ҳал этилмаганлиги, туристик хизматлар бозори инфратузилмаси етарли даражада ривожланмаганлиги, шунингдек, ҳудудлар бўйича туристик хизматлар бозорининг компонентлари ва уларга таъсир этувчи омиллар сифат ва миқдор



жиҳатидан етарлича ўрганилмаганлиги ҳамда туристик хизматлар бозорида маркетинг концепциясини амалга ошириш усуллари ва йўналишларининг такомиллашмаганлиги билан изоҳланади.

Бугунги кунда мамлакатимиз туристик хизматлар бозорида мавжуд ахборотлардан тизимланмаган ҳолда фойдаланиш ва уни узатишда тизимли ёндашувларнинг мавжуд эмаслиги туристик бизнесда “ахборот тақчиллиги” муаммосини келтириб чиқармоқда. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимизда туризм тармоғини ривожлантиришга қаратилган изланишлар ва тадқиқотларни амалга оширишда кўпгина қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Қолаверса, мамлакатимиз туристик хизматлар бозори доирасида қилинаётган тадқиқотлар натижаси билан боғлиқ оммавий ахборот воситаларидаги чиқишлари ҳам туристик бизнесдаги “ахборот тақчиллиги” муаммосини етарлича ҳал қила олмаяпти. Ушбу вазиятда кўзга кўринарли силжишларга эришиш учун муаммо бўйича ечимларни ишлаб чиқишда биргина экспертлар фикрларини умумлаштирилишига таяниб ўтирмасдан, бозорнинг реал ҳолатини акс эттирувчи таҳлил натижаларига асосланган ҳолда тегишли муаммонинг ечимини излаш лозим. Доимий равишда ўтказилиб туриладаган маркетинг тадқиқотларисиз бу ишни амалга ошириб бўлмайди. Аслида маркетинг тадқиқотларининг самарали ташкил этилиши, аввалambор, ушбу тадқиқотларни олиб бориш учун етарли ҳажмда керакли маълумотлар билан мунтазам равишда таъминланганлик даражасига боғлиқдир. Ҳозирги кунда хорижда бу борада мавжуд амалиёт ҳамда хорижий олимларнинг фикрларига кўра: “туристик ташкилотларда маркетинг тадқиқотларини ва бошқарув қарорларини ахборот билан таъминлашнинг асосий элементларидан бири – бу маркетинг ахборот тизими ҳисобланади”[3].


Бизнингча, туристик ташкилотларда маркетинг ахборот тизимини шакллантириш, туристик хизматлар бозорида фаолият олиб бораётган ташкилотларда маркетинг тадқиқотларини ўз вақтида ахборот билан таъминлашнинг асосий услуби ҳамда мамлакат доирасида ягона маркетинг ахборот базасини шакллантиришдаги асосий пойдевор бўлиб хизмат қилади. Ушбу мақсадга эришишда маркетинг ахборот тизимининг асосий вазифаси ички ва ташқи маълумотларни йиғиш, тартибга солиш ҳамда фойдаланишни йўлга қўйишдан иборат бўлмоғи керак.

Туристик ташкилотларда маркетинг ахборот тизими фаолияти бошқарув қарорларини қабул қилиш учун сўралган маълумотларни тақдим этиш ҳисобланган асосий мақсадни амалга ошириш учун керакли ресурслар ва технологияларни бирлаштирувчи механизм вазифасини бажаради. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, маркетинг ахборот тизими тузилмаси ва унинг фаолияти имкониятлари ташкилотнинг фаолият доираси ва хусусиятларига боғлиқдир.

Шубҳасиз, маркетинг ахборот тизими элементларини ишлаб чиқиш ва уларни туристик ташкилотлар фаолиятига татбиқ этиш туристик бозор ҳолатини акс эттирувчи маълумотлардан доимий равишда тезкор фойдаланиш имкониятларини яратувчи кучли ресурс базаси, рақобатчиларга нисбатан сифатий устунликлар, мақсадли истеъмолчилар ва улар билан ўзаро тескари алоқаларни ташкил қилиш имкониятлари билан таъминлайди.[5]

Маркетинг ахборот тизими фаолияти учун ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва унинг ҳаракатини таъминлайдиган махсус технологияларни амалга ошириш лозим. Тизимда ахборотлар ҳаракати фирманинг маркетинг муҳити ва унинг бошқарув субъектлари ўртасида ахборот оқимларини (коммуникацияларни) ташкил қилиш орқали таъминланади (2-расм). Ахборот оқими – бу ўрганилаётган объектда жараёнларнинг кечиш ҳолати ҳақидаги маълумотларнинг аниқ йўналишда, яъни ахборот манбасидан ахборотга бўлган талабни қондириш мақсадида унинг фойдаланувчисига йўналтирилган коммуникациядир. Бунда туристик оқимлар ўз хусусиятлари ва йўналишларига қараб: ички ва ташқи, кирувчи ва чиқувчи туристик оқимлар каби турларга ажратилади.

2-расм. Маркетинг ахборот тизими доирасида ахборотнинг ҳаракати



***Манба:** муаллиф ишланмаси.

Кирувчи ахборот оқимлари маркетинг оқимларини йиғиш мақсадида ташкил этилган коммуникацияларни қамраб олса, чиқувчи туристик оқимлар – ахборотдан фойдаланувчиларга тегишли маълумотларни узатиш билан боғлиқ коммуникациялардир.

Ташкилотда маркетинг ахборот тизимининг ишлаши, тегишли бошқарув қарорлари учун сўралган хусусиятлардаги ва ҳажмдаги маълумотлар мажмуини шакллантириш мақсадида, керакли ресурслар ва технологияларнинг бирлаштирилишига йўналтирилган комплекс ҳаракатлар мажмуи ҳисобланиб, қуйида келтирилган Маркетинг ахборот тизими концепциясида ўз аксини топади (3-расм).

Белгиланган ва киритилган шартлар ҳамда талабларга мос маҳсулотнинг ишлаб чиқилиши МАТ фаолиятининг асосий мақсади ҳисобланади. МАТнинг маҳсулоти маълумотлар базаси ёки маркетинг ҳисоботлари кўринишидаги ташкилотнинг микро, макро ва ички муҳитининг ҳолатини белгилаб берувчи маълумотлар мажмуаси ҳисобланади.

Маркетинг ахборотларини йиғиш учун ташкилот керакли ресурсларга эга бўлиши учун биринчидан, бу маълумотни йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш борасида керакли билим ва кўникмаларга эга бўлган мутахассисларнинг мавжудлиги, иккинчидан, бу маълумотлар билан ишлаш усулларининг услубий таъминоти маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш усулларининг уларнинг сифатига таъсир этувчи асосий омиллардан биридир. Учинчидан, бу қурилмалардир. Уларнинг таркибига нафақат компьютер қурилмалари, бундан ташқари, дастурий таъминот ҳамда тадқиқот давомида маълумотларни қайта қайд этиш имкониятини берувчи махсус қурилмалар ва дастурлар керак бўлади. Шунингдек, ресурс таъминотига бўлган талаб тизим масалаларида кўрилаётган муаммолар доираси кенглигига боғлиқдир.

Маркетинг ахборот тизими ташкилот раҳбариятига оптимал маркетинг ечимларини қабул қилишда асос яратишга йўналтирилган. Бунда маркетинг ахборот тизими ташкилотда ахборотга тез ва рационал ишлов бериш ва фильтрлаш имкониятини яратиб бериши лозим. Бундан ташқари, туристик ташкилотнинг самарали фаолиятини таъминлаш мақсадида, маркетинг ахборот тизими маълумот манбаини айнан аниқлаш, шунингдек, маълумотни керакли ҳажмда, тегишли манзилга ўз вақтида йўналтириш имкониятини беради.

Шундай қилиб, маркетинг ахборот тизимининг шаклланиши туризм бозорида унинг субъектларининг фаоллигини оширишга, қаттиқ рақобат шароитида туристик корхоналарда замонавий ахборот таъминотини яратишга, туристик маҳсулот истеъмолчиларининг кўрсатилаётган хизматлардан қониқишини оширишга, бир сўз билан айтганда, туризм тармоғининг рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади. Шу билан бирга, туристик ташкилотларда мавжуд ахборотларнинг тизимлаштирилиши туристик хизматлар бозорида ахборотларнинг тартибли оқимларини вужудга келтириб, маркетинг ахборот базасини шакллантиришнинг асосий негизи бўлиб хизмат қилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. И.А. Каримов. 2012 йил – “Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади”. – Т.: – “Ўзбекистон” – 2012 й.

2. И.А. Каримов. “Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш”.// “Халқ сўзи”, 2013 йил 13 январь.

3. Рожков И.В. Сущность и содержание информатизации маркетинга в рыночной деятельности современных предприятий. Маркетинг и современность: Сборник научных статей к научно-практическому «круглому столу» на тему «Актуальные маркетинговые технологии в развитии российской экономики» от 12 декабря 2011 года / Под общ. ред. С.В. Карповой; отв. ред. И.А. Фирсова. – М.: Издательство «Палеотип», 2012. – 292 с.

4. Филипп Котлер, Джон Боуэн, Джеймс Мейкенз. Маркетинг. Гостеприимство и туризм: Учебник для вузов. Пер. с англ. под ред. Р.Б. Ноздревой. — М.: ЮНИТИ, 1998. – 135 с.

5. Перекалина Н.С., Рожков И.В. Методология маркетинговых информационных систем предприятий малого и среднего бизнеса. Проекты правительства Российской Федерации: экономические возможности реализации. Научные труды Вольного экономического общества. - М.: МАТИ, 2006. – 212 с.

Қишлоқ хўжалигининг ривожланиши – иқтисодиёт таянчи

Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг муҳим хусусиятларидан бирининг кенг миқёслилиги шундаки, ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларига ўтиш жараёнида, аввало, аграр соҳадаги ислоҳотларни амалга ошириш ҳисобланади ва бу масала бугунги кунда долзарб аҳамият касб этади. Республикамиз иқтисодиёти жаҳон иқтисодиётининг бир бўлаги сифатида ривожланишида иқтисодиёт соҳаларининг ўрни беқиёсдир.

Улуғбек ТУРҒУНОВ,
ФДУ.

Аннотация

Ушбу мақолада қишлоқ хўжалигида аграр ислоҳотларининг муҳим йўналишлари, янги турдаги хўжалик юритиш шаклларини ўзига хос хусусиятларида имкониятларидан келиб чиқиб ташкил этиш ва ривожлантириш ислоҳотлардан кўзланган мақсад эканлиги ва иқтисодий ислоҳотларни амалга оширилишида эришилаётган натижалар ёритилган.

* * *

В данной статье рассмотрены основные направления развития аграрных приоритетов в сельском хозяйстве, а такжс основные положения экономической эффективности хозяйствующих субъектов, их организации и особенностей развития.

* * *

This article describes the main directions of development of agrarian priorities in agriculture and a summary of the economic entities, their organization and its characteristics.

Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотининг яратилишида саноат тармоқлари каби қишлоқ хўжалигининг аҳамияти ҳам каттадир. Чунки, қишлоқ хўжалиги соҳаси саноат учун хом ашё етказиб беради. Ҳозирги кунда республикамизнинг умумий ер ҳудуди 44,4 минг кв.км.ни ташкил этиб, шундан 50,8 фоиз ерларга турли хилдаги қишлоқ хўжалиги экинлари экилмоқда. Бугунги кунда қишлоқ хўжалигида фермер ва деҳқон хўжаликлари, агрофирмалар ва уларга хизмат кўрсатувчи ёнилғи қуйиш шохобчалари, техник парклар, минибанклар ва микромолиялаш ташкилотлари ва бошқа бир қатор корхоналар фаолият юритмоқда. Бу соҳада аграр ислоҳотларининг муҳим йўналиши янгича хўжалик юритиш шаклларини ташкил этиш ва ривожлантириш мақсадга мувофиқдир. Қишлоқ хўжалигида Президентимиз қарорлари ва фармонлари ҳамда қабул қилинган қатор қонунларда, аграр ислоҳотларни амалга ошириш йўллари, усуллари ва шакллари ҳуқуқий-ташкилий жиҳатдан ўз ифодасини топган.

Айтиш жоизки, кичик хўжалик юритувчи тадбиркорлик субъекти сифатида шаклланган, хўжалик фаолиятини самарали ривожлантираётган фермер ва деҳқон хўжаликлари қисқа муддатда ижобий натижаларга эришиб, қишлоқда туб мулкий ва ҳуқуқий ўзгаришларни амалга оширдилар. Хусусан, йирик қишлоқ хўжаликлари корхоналари ўрнида вужудга келган кичик бизнес ва хусусий тадбиркор шаклидаги фермер ва деҳқон хўжаликлари шаклларига тезликда мослаша олдилар. Бундан ташқари, ушбу субъектлар бозор талабига тез мослашиб, иқтисодий ва ҳуқуқий-ташкилий бошқарувни эгаллаб бозор истеъмолчилари талабига тез мослашиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини ошириб, маҳсулот турларини кўпайтирмоқдалар. Шунингдек, қишлоққа саноат тармоқларини олиб келиш борасида, хом ашёни қайта ишлаш соҳаларини ривожлантиришда асосий куч бўлишга эришмоқдалар. Бундай ижобий ишлар республикамизнинг барча ҳудудларида содир бўлиб, сифат ўзгаришларга хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалигидаги макроиқтисодий кўрсаткичларга тўхталадиган бўлсак,

2012 йилда Ўзбекистонда 96,6 трлн. сўмлик ЯИМ ишлаб чиқарилди, унинг реал ўсиши 2011 йилга нисбатан 8,2 фоизни ташкил этди. Шундан, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳажми 2011 йилга нисбатан 7,0 фоизга ошиб, 24,4 трлн. сўмни ташкил қилди. Хусусан, деҳқончилик маҳсулотларини етиштириш 7,0 фоизга, чорвачилик маҳсулотларини етиштириш эса 7,1 фоизга ошди. Республикада озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 8,4 фоизга ўсиб, 7,9 трлн. сўмни ташкил қилди.

Фермер ва деҳқон хўжаликлари томонидан ишлаб чиқариладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари товар ишлаб чиқарувчиларининг асосий даромад манбаи бўлиб, етиштирилган маҳсулотнинг (асосан пахта хом ашёси, ғалла ва мева-сабзавотлар) сотилиши билан бевосита боғлиқдир. Айни чоғда фермер хўжаликларида маҳсулотларни қайта ишлаш, сақлаш, саралаш, қадоқлаш, истеъмолчиларга ўз вақтида етказиб бериш каби хизматлар кўламини оширишни даврнинг ўзи тақозо қилмоқда. Бу пировардида фермер ва деҳқон хўжаликлари даромади ошишига хизмат қилади.

Бугунги кунда тайёрлов ташкилотлари ишлаб чиқариш жараёнининг моддий-техника ресурслари билан таъминлаш соҳасида рақобат муҳити тўлиқ шаклланмаганлиги ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш, фермер хўжаликларини эркинлаштириш жараёнидаги тўсиқлардан бири ҳисобланади. Сўнгги ўн йил давомида қишлоқ хўжалигида маҳсулот нархларининг шаклланиши ва уларга моддий-техника ресурслари етказиб берувчи тармоқлар маҳсулотларига нарх шаклланиши механизмидаги фарқларнинг мавжудлиги соҳа ривожига салбий таъсир кўрсатмоқда. Натижада, соҳалар ўртасида фарқлар номутаносиб шаклланмоқда. Айни пайтда катта миқдордаги маблағ (қишлоқ хўжалигидан) бошқа (саноат, хизмат кўрсатиш) соҳаларга ўтиб кетмоқда. Шу жумладан, агар мавжуд маълумотлар таҳлил қилинса, баҳолар индекси охирги 18 йил давомида пахта хом ашёси ва ёқилғи-мойлаш материаллари бўйича 1,0; 23,9 нисбатни, минерал ўғитлар бўйича 1,0; 15,6 нисбатни, техника бўйича 1,0; 25,7 нисбатни ташкил қилган. Натижада, фермер хўжаликларида бир томондан пахта, ғалла ва мева-сабзавотлар етиштириш харажатлари ортиши ҳисобига даромадлик даражаси пасайиб борган бўлса, иккинчи томондан сотиб олиш қобилиятини пасайиши моддий-техника базасининг умумий ҳолати ҳам пасаймоқда. Бундай вазиятда фермер ва деҳқон хўжаликларининг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши нақадар долзарблигини билдиради. Бунда қишлоқ хўжалиги корхоналарини ривожлантиришда қуйидаги чора-тадбирларни амалга оширилишига эътибор кучайтирилиши лозим: аграр муносабатлар тизимига бозор механизми унсурларининг кириб бориш, ердан ва сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини таъминловчи маҳаллий дастакларни такомиллаштириш; аҳолининг биринчи даражали истеъмол маҳсулотларини етарли даражада ишлаб чиқариши учун, жумладан, иссиқхоналар фаолиятини янада ривожлантириш зарур; фермер хўжаликларида иқтисодий ва молиявий ресурслардан самарасиз фойдаланиш ҳолатларини бартараф этиш, саралланган уруғлик, минерал ўғитлар ва бошқа ресурслар етказиб беришнинг тўлиқ бозор механизмини йўлга қўйиш, танлов механизмини такомиллаштириш; фермер хўжаликлари учун зарур бўлган замонавий ва ихчам техникаларни ўзимизда ишлаб чиқишини йўлга қўйиш, мавжуд МТП (машина-трактор парклари)ни модернизациялашни узлуксиз ташкил этиш ва давлатнинг қўллаб-қувватлаш дастакларини такомиллаштириш; фермер ва деҳқон хўжаликлари тижорат банклари ва микромолиялаш ташкилотлари томонидан имтиёзли тартибда микромолиялаш хизматларини, яъни факторинг, лизинг, овердрафт операциялари ва бошқа хизмат турларидан кенг фойдаланган ҳолда ишлаб чиқарган маҳсулотларини қайта ишлашни йўлга қўйиш ва модернизация талабларига жавоб берадиган ишлаб чиқариш жиҳозларидан фойдаланиш; аграр соҳада инвестиция муҳитини такомиллаштириш аосида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш бўйича хорижий инвесторларни жалб қилган ҳолда ҳамкорликда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш шулар жумласидандир. Мазкур чора-тадбирларни амарга оширилиши қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштириш иқтисодий самарадорлигини, хўжаликларининг даромадларини ошишини таъминлайди.

Таъкидлаш жоизки, фермер хўжаликларига қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш ҳисобидан бир қатор самарали тадбирлар белгиланган бўлиб, етакчи тармоқ ва соҳаларда маҳсулот таннархини камида 20 фоиз туширишга қаратилган чора-тадбирлар туфайли 2009-2012 йилларда фермер хўжаликларига етказиб берилган моддий-техника ресурслари ва хизматлар арзон баҳода бўлишига имконият яратди. Натижада таннархни мақбуллаштириш орқали тракторлар таннархини 17 фоизга ва прицеплар таннархини 22 фоизга пасайтиришга эришилди. Бу каби чора-тадбирлар фермер хўжаликлари иқтисодий юксалишига замин яратди.

Қишлоқ хўжалиги ривожланиши ва самарадорлиги ўзгариш тенденциялари



Барно РАХМАНҚУЛОВА,
и.ф.н. ТИМИ доценти.

Аннотация

Ушбу мақолада, қишлоқ хўжалиги ривожланиши ва самарадорлиги ўзгариш тенденциялари, мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб қишлоқ хўжалигида босқичма-босқич амалга оширилган иқтисодий ислоҳотлар натижасида эришилган ютуқларга баҳо берилган.

* * *

В данной статье дана оценка развитию и изменению тенденций эффективности сельского хозяйства, а также успехам, достигнутым в результате поэтапного осуществления экономических реформ с начала независимости Республики Узбекистан.

* * *

In article given estimation of the development and change to trends to efficiency rural-facilities, as well as success reached as a result on step by step of the realization of the economic reforms with begin independence of the republic Uzbekistan.

Ўзбекистон иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги салмоқли ўрин тутади. Мамлакатнинг ер фонди, меҳнат ресурслари, техника ва технологик ускуналар ҳамда суғориш тизими ҳамда бошқа миллий бойликларнинг катта қисми қишлоқ хўжалиги ихтиёрига берилган. Шуларни ҳисобга олиб, республика ҳукумати қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари фаолиятини бозор муносабатларига мослашувини тезлаштириш, уларнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирларни изчил амалга оширмоқда.

Статистик маълумотларга кўра, 2012 йилда қишлоқ хўжалиги тармоқларида 3,3 млн.дан ортиқ киши иш билан банд бўлган. Ёки 2000 йилга нисбатан қишлоқ хўжалигида ишловчилар сони 7,5 фоизга кўпайган. Қишлоқ хўжалигининг мамлакат ЯИМдаги улуши 2012 йилда 17,5 фоизга тенг бўлган. Бу 2000 йилга солиштирганда 12,6 фоиз пунктга камдир. Бундай ҳолат ЯИМ таркибида иқтисодиётнинг бошқа тармоқ ва соҳаларининг улуши ошиши билан юз берган

бўлсада, амалда эса жорий нархларда ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2012 йилда 2000 йилга нисбатан 17,6 мартага ошган[1]. Деҳқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш эса шу даврда 20,3 мартага кўпайган. Бундай ижобий ўзгаришлар аҳолини зарурий озиқ-овқатлар билан таъминлашни яхшилаш, экспортга маҳсулот чиқаришни кўпайтириш, қайти ишловчи саноат корхоналарини хом ашёга бўлган талабларини қондириш билан бирга, қишлоқ аҳолиси даромадларини кўпайтириш имкониятларини ҳам яратди. Буни қишлоқ хўжалигида банд бўлган битта ишчига ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмининг 2012 йилда 2000 йилга нисбатан 16,3 мартага ошганлиги ҳам тасдиқлайди. Ёки шу даврда битта банд ишчига 2000 йилда 449 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, 2012 йилда бу рақам 7333,4 минг сўмга тенг бўлган (1-жадвал).

Шу билан бир вақтда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирига қарамасдан, қишлоқ хўжалигида ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиб бориш тенденцияси кузатилмоқда. Агар 2011 йилда 2010 йилга нисбатан маҳсулот ишлаб чиқариш ўсиши 6,6 фоиз бўлган бўлса, бу кўрсаткич 2012 йилда 7 фоизни ташкил қилган ёки ўсиш шу даврда 0,4 фоиз пунктга юқори бўлган (1-жадвал).

Маълумки, Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида босқичма-босқич амалга оширилган ислоҳотлар натижасида хусусий мулкчилик устувор бўлган кўп укладли аграр ишлаб чиқариш тизими шаклланди. Унда фермер ва деҳқон хўжаликлари асосий ўрин тутади.

Фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 34, деҳқон хўжаликлари эса қарийб 64 фоизни ишлаб чиқаради. Фермер хўжаликлари мамлакатда ишлаб чиқарилаётган доннинг қарийб 81 фоизини, пахта хом ашёсининг 99,5 фоизини етиштиради. Шу билан бир вақтда фермерлар катта ҳажмда картошка (35,4 фоиз), сабзавот (35,4 фоиз), полиз (50,5 фоиз), мева (47,6 фоиз), узум (55,8 фоиз) ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаради. Чорва маҳсулотларининг асосий қисми деҳқон хўжаликлари улушига тўғри келади.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш учун товар маҳсулотлари етиштирувчиларни молиявий қўллаб-қувватлаш тизими жорий этилган. Унга кўра, пахта ва дон етиштирувчи фермер хўжаликлари ва бошқа тоифадаги корхоналарга 2012 йилда 1630,7 млн. сўм имтиёзли кредитлар ажратилган, бу 2009 йилга нисбатан қарийб 34,5 фоизга кўп демакдир. Ҳосилдорлиги паст ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжаликларига давлат бюджети ҳисобидан 2012 йилда 160 млрд. сўм субсидиялар ажратилган. Бу кўрсаткич 2009 йилга солиштирганда 40 млрд. сўмга ёки 33 фоизга кўпдир. Шу билан бир вақтда республика ҳукумати ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга катта эътибор қаратмоқда. Фақат 2008-2012 йиллар мобайнида мелиоратив объект-

1-жадвал. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ривожланишининг асосий кўрсаткичларининг ўзгариш динамикаси, млрд. сўм

Кўрсаткичлар	Йиллар				2012 йилда 2000 йилга нисбатан ўсиш, фоизда, марта
	2000	2010	2011	2012	
Мамлакат ЯИМдаги улуши, фоизда	30,1	18,0	18,0	17,5	-12,6 ф.п.
Банд бўлганлар, минг киши	3090,2	3120,9	3247,3	3323,2	107,5
Ялпи ишлаб чиқариш маҳсулоти (амалдаги нархлари)	1387,2	16774,7	19633,6	24370,3	17,6 м.
ш.ж. деҳқончилик чорвачилик	696,8 690,4	10023,0 6751,7	11347,4 8286,2	14155,3 10215,0	20,3 м. 14,8 м.
Ялпи маҳсулотнинг ўсиш суръатлари (ўтган йилга нисбатан фоизда)	103,1	106,9	106,6	107,0	+3,9 ф.п.
Битта банд ишчига ишлаб чиқариш, минг сўм	449,0	5375,0	6046,1	7333,4	16,3 м.

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

ларни реконструкция қилиш, қуриш, таъмирлаш ва қайта тиклаш ишларига давлат бюджетидан 751,4 млрд. сўм маблағлар ажратилган. Шундан 127,6 млрд. сўми лизинг асосида мелиоратив техникалар етказиб беришга мўлжалланган. Мелиорация ишларига ажратилган маблағларнинг 201,5 млрд. сўми ёки 26,8 фоизи 2012 йилга тўғри келади. Бу эса, ушбу мақсадларга 2008 йилда ажратилган бюджет маблағларидан 2,2 мартага кўпдир.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини молиявий қўллаб-қувватлаш, нафақат суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, балки уларни минерал ўғитлар, техника, уруғлик ва бошқа ишлаб чиқариш ресурсларидан мунтазам фойдаланиш имкониятини яратди. Бу эса, ўз навбатида, қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини йилдан-йилга юқори бўлишини таъминлади. Натижада ердан олинадиган даромад ошишига, маҳсулот ишлаб чиқариш рентабеллигига эришилди.

Статистик маълумотлар бўйича 2008-2012 йиллар мобайнида республикамизда пахта ҳосилдорлиги 23,9 центнердан 26,9 центнерга ошган (2-жадвал). Шу даврда 1 гектар пахта майдонидан олинган даромад 953 минг сўмга ёки қарийб 2 мартага кўпайган. Бу ҳолат пахта ҳосилдорлиги ҳамда пахта хом ашёсининг харид нархининг ошиши ҳисобига юз берган.

Пахта хом ашёси 1 тоннасининг харид нархи 2008 йилда ўртача 418, 2012 йилда эса 725 минг сўмга тенг бўлган ёки шу даврда 1 тн. пахтанинг ўртача харид нархи 307 минг сўмга, таннархи эса 288 минг сўмга ошган. Бу республика бўйича пахта ишлаб чиқариш рентабеллигини 2012 йилда 6,3 фоиз бўлишини таъминлаган. Ёки 2012 йилда 1 тн. пахта хом ашёсини сотиш уни ишлаб чиқарувчисига ўртача 43 минг сўм фойда келтирган. Агар фермер хўжаликларида шу йили 3400 минг тн. пахта хом ашёси етиштирилганлиги ҳисобга олинса, унда фермерларнинг фойдаси қарийб 146,2 млрд. сўмни ташкил этади.

Маълумки, дон мустақиллигини таъминлаш мамлакатимиз тараққиётининг стратегик мақсадларидан бири ҳисобланади. Ушбу стратегияни амалга ошириш учун республикамизда кенг кўламли чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Натижада бугун мамлакатимизда 7,0 млн. тн дан зиёд дон, шу жумладан, 6,5 тн. буғдой етиштирилаяпти.

Бу кўрсаткич 2000 йилга таққослаганда 3,2 млн. тоннага кўп. Ёки 2000 – 2012 йиллар мобайнида мамлакатимизда йилига дон ишлаб чиқариш ўртача 260 минг тоннадан ошиб борган. Дон экин майдони эса, ҳаммаси бўлиб шу даврда 65 минг гектарга кенгайган.

Статистик маълумотлар таҳлилига кўра, республикада ғалла ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиб бориши асосан, унинг ҳосилдорлиги ошиши ҳисобига таъминланмоқда. Агар 2000 йилда ғалла экинларининг ўртача ҳосилдорлиги 27,0 центнерни ташкил этган, ушбу кўрсаткич 2008-2012 йилларда ўртача 44,1 центнерга тенг бўлган (3-жадвал). Ғалла экинлари ҳосилдорлигининг юқори даражаси, ғалланинг ўртача сотиш баҳосининг нисбатан кам ўсишига қарамасдан, бир гектар экин майдонидан олинадиган даромад миқдорини юқори суръатда

2-жадвал. Ўзбекистонда пахта ишлаб чиқариш самарадорлиги кўрсаткичларининг ўзгариши. (минг сўм)

Кўрсаткичлар	Йиллар					2012 йилда 2008 йилга нисбатан ўсиш (+), пасайиш (-)
	2008	2009	2010	2011	2012	
Пахта ҳосилдорлиги, ц/га	23,9	25,4	25,5	26,6	26,9	+ 3,0
Бир гектар ерга ҳисобланганда:						
ялпи даромад ишлаб чиқариш	998	1167	1359	1709	1951	+953
харажати	941	1059	1159	1581	1835	+894
Бир тонна маҳсулот:						
таннархи	394	417	468	595	682	+288
ўртача сотиш нархи	418	460	532	643	725	+307
Ишлаб чиқариш рентабеллик даражаси, фоизда	6,1	10,1	13,6	8,1	6,3	+0,2

Манба: ЎзР. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида ҳисобланган.

3-жадвал. Ўзбекистонда ғалла ишлаб чиқариш самарадорлиги кўрсаткичларининг ўзгариши. (минг сўм)

Кўрсаткичлар	Йиллар					2012 йилда 2008 йилга нисбатан ўсиш (+), пасайиш (-)
	2008	2009	2010	2011	2012	
Ғалла ҳосилдорлиги, ц/га	42,8	45,8	44,6	43,5	43,6	+0,8
Бир гектар ерга ҳисобланганда:						
ялпи даромад	966	1063	1138	1113	1603	+637
ишлаб чиқариш харажати	793	810	890	882	1310	+517
Бир тонна маҳсулот:						
таннархи	185	177	199	203	300	+115
ўртача сотиш нархи	226	232	255	256	367	+141
Ғалла ишлаб чиқариш рентабеллик даражаси, фоизда	21,9	31,2	27,9	26,2	22,3	+0,4

Манба: ЎзР. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида ҳисобланган.

ўсишини таъминлади. 2012 йилда бир гектар ғалла майдони ҳисобига ўртача 1603 минг сўм даромад олинган. Бу 2008 йилга нисбатан 637 минг сўмга ёки қарийб 66 фоизга кўпдир. Шу даврда 1 га. ҳисобига ғалла ишлаб чиқариш харажатлари 517 минг сўмга ёки 65 фоизга кўпайган.

Таҳлил қилинаётган даврда ўртача 1 тн. ғалла таннархи 185 минг сўмдан 300 минг сўмгача кўтарилган, сотиш баҳоси эса 226 минг сўмдан 367 минг сўмга ошган. Бу мамлакатимизда ғалла ишлаб чиқаришнинг рентабеллик даражасини 20 фоиздан юқори бўлишини таъминламоқда.

Шундай қилиб, Ўзбекистон давлат мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошлаб қишлоқ хўжалигида босқичма-босқич амалга оширилган иқтисодий ислоҳотлар натижасида қуйидагиларга эришилди:

1. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг таркибий тузилиши мамлакат аҳолиси, саноат тармоқлари ҳамда халқаро бозор талабларига мос равишда қайта ўзгартирилди, тубдан янги аграр муносабатлар шакллантирилди.

2. Қишлоқда мулкдорлар синфининг ўрта қатлами – тадбиркор ва ишбилармон фермерлар шаклланди, фермер хўжаликлари мамлакат қишлоқ хўжалигининг асосий бўғинига айланди. Улар стратегик аҳамиятга молик бўлган ғалла, пахта ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ресурсларга эга бўлди. Шу билан қишлоқ хўжалигида барқарор ривожланишга эришиш асосан таъминланади.

3. Давлат фермерларни қўллаб-қувватлаш, улар ривожини рағбатлантиришнинг молиявий-иқтисодий механизмларини жорий этди. Пахта, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш барқарорлашди, бу қишлоқ аҳолисининг даромадлари кўпайиши, турмуш фаровонлигини ошишига олиб келди.

4. Фермер хўжаликларида ишлаб чиқарилаётган деҳқончилик ҳамда чорвачилик маҳсулотлари самарадорлигини ошиши, фермерларга хизмат кўрсатувчи инфратузилма ташкилотларининг кенгайиши, истиқболда ишлаб чиқариш кооперациясига асосланган кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантиришга кенг йўл очиб берди. Бу – молиявий-иқтисодий жиҳатдан бақувват, барқарор ривожланиш манбасига эга бўлган фермер хўжаликларини шаклланишини кафолатлайди.

[1] Йиллик статистик тўплам. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси. – Тошкент, 2012.

Давлат бюджети даромадларини шакллантиришда солиқларнинг салмоғи ва солиқ юки даражаси

Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётнинг эркинлашуви ва ислоҳотларнинг чуқурлашуви жараёни бюджет-солиқ тизимини ҳам мунтазам такомиллаштириб боришни тақозо қилади. Бюджет-солиқ сиёсати молия тизими ислоҳотларининг муҳим йўналиши сифатида иқтисодиётни тартибга солиш ҳамда унинг барқарорлигини таъминлаш жараёнида ҳар қачонгидан ҳам муҳимроқ бўлиб бормоқда.

Эркин АБДУЛЛАЕВ,
Тошкент молия институти.

Аннотация

Мазкур мақола Давлат бюджети даромадларини шакллантиришда солиқларнинг салмоғи ҳамда солиқ юки даражаси таҳлилига бағишланган бўлиб, бюджет солиқ сиёсатининг молия тизимидаги ўрни, солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш масалалари ҳамда иқтисодиётда солиқ юкини оптималлаштиришга бағишланган.

* * *

Настоящая статья посвящена вопросам формирования государственного бюджета и доли налогов в нем, а также анализу налоговой нагрузки, значимости бюджетно-налоговой политики и оптимизации налоговой нагрузки в экономике.

* * *

This article is devoted to the formation of the state budget and the share of taxes in it, as well as the analysis of the tax burden. Had been learned the importance of fiscal policy and tax optimization in the economy and in financial system.

Иқтисодий ислоҳотларнинг самарадорлиги давлатнинг солиқ сиёсати билан бевосита боғлиқ бўлиб, солиқ юкини камайтириш, солиққа тортиш тизимини соддалаштириш, солиқларни чуқур ўрганиш ва солиқ тизимини такомиллаштириш бўйича чуқур изланишлар олиб борилиши, хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий фаолиятини солиқлар воситасида тартибга солиш муҳим аҳамият касб этади. Солиқларнинг мамлакатдаги макроиқтисодий барқарорликка таъсирини ўрганиш жараёнида кейинги йилларда давлат бюджетининг даромадлари ва унинг таркибида бевосита ҳамда билвосита солиқлар, шунингдек, ресурс солиқларининг салмоғини таҳлил қиларканмиз, 2012 йилда давлат бюджетининг даромадлар қисмида бевосита солиқлар 5196,4 млрд. сўмни ташкил этди.

Шундан, юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи 917,2 млрд. сўм, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари, шу жумладан, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови 703,5 млрд. сўм, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови 538,5 млрд. сўм, жисмоний шахсларнинг даромад солиғи 2372,7 млрд. сўм, юридик ва жисмоний шахслардан тадбиркорлик фаолияти айрим турлари бўйича олинадиган қатъий белгиланган солиқ 218,1 млрд. сўм, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи 446,4 млрд. сўмни ташкил этган. 2012 йилда давлат бюджетининг даромадлар қисмида эгри солиқлар 11187,8


1- жадвал. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришда тўғри солиқларнинг тутган ўрни[1]

Кўрсаткичлар		2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2013 йил (режа)
		млрд. сўм	млрд. сўм	млрд. сўм	млрд. сўм	млрд. сўм	млрд. сўм
Даромадлар, давлат мақсадли жамғармаларисиз – жами		7108,3	10421,4	13 116,4	16 178, 5	20614,1	25104,9
1. Бевосита (тўғри) солиқлар		1798,1	2769,2	3420,6	4 238, 7	5196,4	6583,1
1.1	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	361,2	542,4	645,5	825,0	917,2	1239,0
1.2	Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари, шу жумладан, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови	145,0	222,4	297,0	527,4	703,5	817,3
1.3	Микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови	145,6	256,0	346,3	378,3	538,5	755,1
1.4	Жисмоний шахсларнинг даромад солиғи	888,5	1281,6	1535,0	1789,7	2372,7	2769,7
1.5	Юридик ва жисмоний шахслардан тадбиркорлик фаолияти айрим турлари бўйича олинадиган қатъий белгиланган солиқ	81,7	108,6	139,1	187,5	218,1	342,1
1.6	Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи	176,1	358,2	457,5	530,6	446,4	659,9

млрд. сўмни ташкил этди. Шундан, қўшилган қиймат солиғи 6784,5 млрд. сўм, акциз солиғи 3115,5 млрд. сўм, божхона божлари 732,4 млрд. сўм, жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёнилғиси ва газдан фойдаланганлик учун олинадиган солиқ 555,4 млрд. сўмдан иборат бўлди. 2012 йилда давлат бюджетининг даромадлар қисмида ресурс солиқлари 2746,4 млрд. сўмни ташкил этган бўлиб, шундан мол-мулк солиғи 642,0 млрд. сўм, ер солиғи 446,0 млрд. сўм, ер ости бойликларидан фойдаланганлик солиғи 1585,3 млрд. сўм ва сув ресурсларидан фойдаланганлик солиғи 73,1 млрд. сўмдан иборат.

Иқтисодий ислоҳотларнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакатимизда мустақил солиқ сиёсати ишлаб чиқилди, унинг ўзига хос стратегияси ишлаб чиқилиб, изчил такомиллаштирилиб борилмоқда. Юртбошимиз томонидан миллий солиқ сиёсатининг устувор йўналишлари белгилаб берилдики, унинг асосий мақсади солиқ тўловчилар ва давлат бюджети манфаатлари ўртасида ўзаро уйғунликни таъминлашга қаратилган. Бундай уйғунликни таъминлашнинг энг муҳим воситаларидан бири солиқ юкини оптимал белгилаш ва шу тариқа давлат бюджетини керакли миқдорда молиявий ресурслар билан таъминлаш билан бирга, солиқ тўловчилар зиммасидаги солиқ мажбуриятлари уларнинг молиявий барқарорлигига салбий таъсир этмаслигига эришишдан иборат. Кейинги йиллардаги солиқ сиёсатининг асосий йўналишларида солиқ юкини мунтазам камайтириб бориш тенденцияси кузатилмоқда. Ушбу ҳолат 2012 йилда ҳам кузатилди ва иқтисодиётга ижобий таъсир этди. Ҳар қандай давлатда солиқларнинг мамлакатдаги макроиқтисодий барқарорликка таъсир даражаларини ўрганиш жараёнида солиқларнинг давлат бюджети даромадларидаги салмоғи, солиқ ставкаларининг миқдори, солиқ имтиёзларининг қўлланилиши, солиқ объекти ва солиққа тортиладиган база каби кўрсаткичлар билан бир қаторда солиқ юки масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилиши талаб этилади. Солиқ тўловчилар зиммасида-

1-расм. ЯИМга нисбатан солиқ юкининг ўзгариш динамикаси[2]



ги солиқ юкининг улар фаолиятларига таъсири эса солиқ юки даражаси кўрсаткичи билан баҳоланади. Расмдаги маълумотлардан кўринадики, солиқ юки даражаси юртимизда изчиллик билан камайиб бормоқда. Ушбу кўрсаткич 1995 йилда ЯИМга нисбатан (мақсадли жамғармаларни ҳисобга олмаган ҳолда) 41,2 фоизни ташкил этди. Миллий солиқ тизимида солиқ юкини оптималлаштириш олиб борилаётган солиқ сиёсатининг асосий йўналиши сифатида белгилаб олиниши натижасида 2005 йилга келиб солиқ юки даражаси 22,6 фоизни, 2012 йилга келиб эса ЯИМга нисбатан 21,3 фоизни ташкил этди.

Изчиллик билан амалга оширилаётган, биринчи навбатда, солиқ юкини камайтиришга қаратилган оқилона солиқ сиёсати иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларга, хўжалик юритувчи субъектларнинг ишбилармонлик фаоллиги ва молиявий барқарорлигини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Солиқ юкини иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни эътиборга олган ҳолда камайтириб бориш ўз самарасини берди. Миллий бозорни маҳаллий товарлар (хизмат, иш)лар билан тўлдираётган, экспортга маҳсулот чиқараётган, ички ва ташқи инвестицияларни ишлаб чиқаришга жалб қилаётган, шунингдек, кичик бизнес субъектлари шаклидаги солиқ тўловчиларга солиқ имтиёзларининг кенгайтирилишига қарамасдан, ялпи ички маҳсулот ва давлат бюджетининг даромадлар ҳажмида йил сайин ўсиш таъминланмоқда. Солиқ юкининг камайиши нафақат умумий ҳажмда, шунингдек, унинг таркиби бўйича ҳам сезиларли равишда кўзга ташланмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. И.А. Каримов. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”.-Т.: “Ўзбекистон”, 2009.
2. И.А. Каримов. “Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш”. –Т.: “Ўзбекистон”, 2013.
3. И.А. Каримов. “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади”. “Ўзбекистон”. 2012.

[1] Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида тайёрланди.
[2] Давлат солиқ қўмитаси ҳисобот маълумотлари асосида тайёрланди.

“Management Tourism” – Туризм менежменти

Тошкент шаҳридаги Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университетининг филиали директори иқтисод фанлари доктори, профессор Қ.Х.Абдураҳмонов томонидан Индонезиянинг Gunadarma Publisher нашриёти томонидан инглиз тилида чоп этилган “Management Tourism” (Туризм менежменти) номли ўқув қўлланмага

ТАҚРИЗ

Ўзбекистон иқтисодиётида туризм бошқа хизмат кўрсатиш соҳалари каби ихтисослашган хўжаликлар қаторига кириб, мамлакатни иқтисодий ривожлантириш воситаси сифатида катта аҳамиятга эга. Республикамиз туризм индустриясининг охирги йиллардаги ривожланиш таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, Ўзбекистоннинг бой табиий ва маданий мероси ҳамда миллий салоҳиятидан тўла фойдаланган ҳолда унинг барқарор ривожланишини таъминлаш, тармоқ корхоналарининг рақобатбардошлигини ошириш имкониятлари мавжуд. Қолаверса, хорижий давлатларда республикамизнинг олимлари томонидан туризм бўйича чет тилларда ўқув адабиётларини чоп этилиши катта ютуқлардан бири ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан академик Қ.Абдураҳмоновнинг Индонезиянинг Gunadarma Publisher нашриёти томонидан инглиз тилида чоп этилган “Туризм менежменти” номли ўқув қўлланмаси долзарб мавзулардан бирига қаратилган ҳисобланади.

Ўқув қўлланма тўртта боб, глоссарий ва иловалардан ташкил топган. Унинг биринчи боби “Иқтисодиётда туризмнинг тутган ўрни ва роли” деб номланган бўлиб, биринчи бобида туризм хизматлар бозорининг моҳияти ва ривожланиш босқичлари, Ўзбекистонда туризм хизматлар бозорини ривожланиш тенденциялари, иқтисодиётда туризмнинг тутган ўрни тўғрисида батафсил маълумотлар берилган.

Ўқув қўлланманинг иккинчи боби “Туризм – бошқариш объекти сифатида” деб номланиб, унда туризм индустриясини бошқаришнинг асосий категориялари, туризмда бошқариш тизими ва таркиби, туристик фаолиятни режалаштириш ва туризмни ривожланишига таъсир этувчи омилларнинг таҳлили туризм бозорининг истиқболлари ёритилган.

“Туризмда менежментнинг функция ва принциплари” деб номланган учинчи бобида менежментнинг моҳияти ва асосий функцияларининг тавсифи, менежментда классификация усуллари, туризмда меҳнатни бошқаришнинг рационаллаштириш масалалари, туризм соҳасида инновацион ва инвестицион менежментнинг асосий хусусиятлари тўғрисида фикр юритилган.

Ўқув қўлланманинг тўртинчи бобида туризм менежментида самарадорлик тушунчаси, туризмда ижтимоий ва иқтисодий самарадорлик, туризм соҳасида бошқарув қарорларини самарадорлиги, туризм индустриясида иқтисодий самарадорликни ошириш йўллари ва усуллари батафсил ёритилган.

Ўқув қўлланма туризм соҳасини такомиллаштириш юзасидан илмий ишланмалар, амалий тавсия ва ёндашувлар, сўровномалар ва таҳлиллар асосида муаллиф ишланмалари ишлаб чиқилган.

Ушбу ўқув қўлланма нафақат республикамиздаги балки хорижий давлатлардаги соҳа мутахассислари, олий ўқув юртларининг туризм йўналиши бўйича таълим олаётган бакалавр ва магистрлар, катта илмий ходимлар ҳамда тармоқ амалиётчилари учун тавсия этилади.

Алишер ЭШТАЕВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети “Халқаро туризм” факультетининг декани,
Иқтисод фанлари номзоди, доцент.

Ўзбекистонда аҳоли бандлигини самарали таъминлаш ва ривожлантириш истиқболлари

Камила ХОНКЕЛДИЕВА,
Фарғона давлат университети.



Мустақиллик йилларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш, хусусий секторнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улушини оширишга қаратилган тизимли ва тадрижий чора-тадбирлар изчил олиб борилмоқда. Чунончи, хусусий секторнинг эркин ва мустақил ривожланишини таъминлайдиган зарур ҳуқуқий асослар яратилди ва улар фаол такомиллаштириб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек: “Аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил қилиш муаммосини ҳал этиш 2011 йил ва яқин истиқболда мамлакатимизни муваффақиятли ва барқарор ривожлантиришнинг алоҳида устувор йўналиши ва ҳеч муболағасиз энг муҳим шартидир”. Шундай экан, республикамизда аҳоли бандлигини таъминлаш, унда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, айниқса касаначилик меҳна-

Аннотация

Ушбу мақолада иқтисодиётни модернизация шароитида Ўзбекистонда аҳоли бандлигини самарали таъминлаш ва ривожлантириш истиқболлари ҳамда оилавий тадбиркорликни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ва уларни амалий аҳамияти очиб берилган.

* * *

В данной статье рассмотрены вопросы развития и обеспечения занятости населения в условиях модернизации экономики Республики Узбекистан, а также приоритетные направления развития семейного предпринимательства и их прикладное значение.

* * *

This article describes the development and employment in the modernization of family business and their practical value.

тини ривожлантириш ҳамда ролини ошириш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб ҳисобланади.

2012 йилда янги иш ўринлари ташкил этиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича ҳудудий бандлик дастурларининг амалга оширилиши натижасида яратилган 1 миллионга яқин иш ўрнининг 68 фоиздан кўпроғи қишлоқ жойларда ташкил этилди. Янги иш ўринларининг 64 фоиздан ортиғи кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермерлик ривожини рағбатлантиришни янада кучайтириш, хусусан, уларга янги имтиёз ва преференциялар бериш, 28 фоиздан зиёди эса янги корхоналар ташкил этиш, касаначиликнинг турли шаклларини кенгайтириш ҳисобидан яратилди. Касаначиликни, аввало, меҳнат шартномалари бўйича корхоналар билан кооперация асосидаги касаначиликни, шунингдек, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш бандликни таъминлашнинг муҳим йўналиши бўлиб қолади ва бу қарийб 220 минг кишини иш билан таъминлаш имконини беради.

Оилавий тадбиркорлик субъектларига микрокредитлар имтиёзли фоиз ставкаси билан ажратилади. Бу фоиз ставкаси амалдаги Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 1/4 қисмини ташкил этади.

Фикримизча, оилавий тадбиркорлик ҳаракатини янада ривожлантиришда қуйидаги муҳим жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш зарур:

– оилавий тадбиркорликни моддий ва молиявий қўллаб-қувватлаш механизмини самарали ташкил этиш ва мустаҳкамлаш, тижорат банклари билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, бунга ҳозирда мавжуд айрим сунъий тўсиқларга тўлиқ барҳам бериш;

– ҳар бир оиланинг меҳнат анъаналарига катта ҳурмат билан қараш, уни тиклаш ва ривожлантириш, мавжуд ишчи кучларидан самарали фойдаланишга эришиш;

– маҳаллий ҳокимият кучи билан оилавий бизнес юритиш учун зарурий моддий ва маънавий шарт-шароитларни янада кенгайтириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш асосида ўз маҳсулотлари билан ички ва ташқи бозорга эркин чиқишига амалий ёрдам бериш;

– таълим тизимида оилавий бизнес сирларини чуқур ўрганиш ва таҳлил қилувчи махсус фанларни киритиш, оила ва таълим тизимида ўзаро яқин ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш;

– оилавий бизнесга хорижий инвестициялар, илғор ва замонавий минитехнологияларнинг кириб келишига кенг йўл очиш, четга тайёр маҳсулотни экспорт қилиш ҳажмини янада ошириш ва бошқалар.

Бугунги кунда оилавий тадбиркорлик бандликни таъминлаш, аҳоли фаровонлигини юксалтиришнинг энг муҳим омилларидан бири сифатида қаралмоқда. Уни иқтисодиётнинг муҳим бўғини сифатида эътироф этишларининг боиси ҳам шунда.

Халқаро оилавий тадбиркорлик тадқиқотлари академиясининг ўрганишича, бугунги кунда ривожланаётган давлатлар иқтисодиётида оилавий бизнес изчил тараққий этиб бормоқда. Зеро, кўплаб ривожланаётган давлатларда ялпи ички маҳсулот таркибида оилавий бизнеснинг улуши 55 фоизни ташкил этади. Муҳими юртимизда ҳам оилавий тадбиркорликнинг ҳуқуқий асосларини яратиш борасида муайян ишлар қилинди. Гап шундаки, бизнеснинг мазкур тармоғини ривожлантириш учун мамлакатимизда барча шарт-шароит, етарли тажриба мавжуд. Аввало, жойларда оилавий сулолалар томонидан узоқ йиллар давомида шуғулланиб келинаётган оилавий касб-корлар, яъни косиблик, дурадгорлик, новвойлик, асаларичилик, балиқчилик, чорвачилик, деҳқончилик, пиллачилик, боғдорчилик, узумчилик, ҳунармандчилик, мискарлик, кўнчилик, заргарлик, наққошлик, кулоллик, ёғоч ўймакорлиги, пичоқчилик, тўқимачилик, пўстиндўзлик сингари йўналишларда оилавий бизнес субъектларини ташкил этиш ва ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бир қаторда, аҳолига маиший хизмат кўрсатишда ҳам оилавий тадбиркорлик субъектларини йўлга қўйиш айни муддаодир.

Албатта, республикамизда оилавий янги қонун лойиҳасини тайёрлашда айнан оилавий бизнеснинг ўзига хос жиҳатларидан келиб чиқиб, бир қатор масалаларга эътибор қаратиш лозим.

Аввало, оилавий тадбиркорлик субъекти сифатида рўйхатдан ўтиши мумкин бўлган фаолият турларини аниқ белгилаш, бундай тузилмаларни давлат рўйхатидан ўтказишда бюрократик тўсиқларнинг олдини оладиган тартибларни жорий этиш, ҳуқуқий мақомини аниқлаштириш талаб этилади. Бунда, айниқса, давлатимиз раҳбари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш тартибини такомиллаштириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларга суяниш,

айни пайтда халқаро тажрибанинг илғор ютуқларидан фойдаланиш зарур.

Шу билан бирга, оилавий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, айни чоғда оила аъзоларининг ушбу тадбиркорлик субъекти фаолияти доирасидаги муносабатларини аниқлаштириш зарур. Бунда оила аъзолари қуйидаги ҳуқуқларга эга: корхона бошқарувида, қарорлар қабул қилишда, молиявий-хўжалик фаолиятини назорат қилишда қатнашиш; бир-бирининг ҳуқуқларини қисман ёки тўлиқ ифода этиш; корхона низомида белгиланган тартибда кўрилган даромаддан улуш олиш; айни пайтда оилавий корхона таркибидан чиқаётганда корхона низомида кўрсатилган тартибда компенсация олиш; ижтимоий суғурта қилиниш ва иш даврларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меҳнат стажига киритиш; амалга оширилаётган фаолият турига мувофиқ бўлган буюмлар ёки товарлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш, шунингдек, уларни мустақил равишда ёки қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқача тарзда сотиш; амалга оширилаётган фаолиятдан олинган даромадни барча солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан кейин, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасарруф этиш; Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда бошқа имтиёз ва ҳуқуқлардан фойдаланиши мумкин.

